

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 205 (10.510) / 2005 ЙИЛ 17 ОКТЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ
Бир кунни
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА
сўзлар

● **ТАДБИРКОРЛАР** ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташаббуси билан мактаб ўқувчилари ўртасида ташкил этилган «Ишбилармон ўқувчи» кўрик-танловининг республика босқичи ғолиблари тақдирланди.

● **ТОШКЕНТ** архитектура ва қурилиш институтида ўқитувчилар ва талабалар иштирокида ўтказилган тадбир профессор Эркин Қосимов таваллудининг 70 йиллигига бағишланди.

● **30-МЕХРИБОНЛИК** уйида «Экспо арк» гуруҳи вакиллари иштирокида тадбир ва расмлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

● **БУГУН «ИСТАЛ»** илмий ишлаб чиқариш корхонасида «Маънавият ва маърифат» марказининг Бектемир туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати «Замон ва дин, Сиёсат ва дин, Маънавият ва дин» деб номланди.

● **УЧТЕПА** туман ҳокимлигида ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини янада оширишнинг истиқболли йўналишларига бағишлаб **БУГУН** ўтказилган тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан уюштирилди.

● **БУГУН** «Ўзбекқишлоқмах шаъри» очик акциядорлик жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг Юнусобод туман бўлими ташаббуси билан «Рамазон ойининг фазилатлари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан «Семур» оромгоҳида бошланғич ташкилотлар етакчилари малакасини ошириш мақсадида ташкил этилган ўқув семинари ниҳоясига етди.

● **БУГУН** «Наврўз» маҳалласида бўлиб ўтган давра суҳбати маҳалла ва уй-жой мулкдорлари ширкати ўртасидаги ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга бағишланди.

● **ЭРТАГА** Шайхонтоҳур туманидаги «Тинчлик» маҳалласида никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказишда юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш чораларига бағишлаб ўтказиладиган давра суҳбатига фаоллар ва ёшлар иштирокида тадбир бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Учтепа туманидаги «Шодлик» маҳалласида «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар ИИББ ҳамкорликларида бўлиб ўтган тадбир «Оғолик — давр талаби» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ ЙЎЛИ

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи Президент Ислам Каримовнинг «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида» деб номланган китобини нашрдан чиқарди.


Китобда давлатимиз раҳбарининг бозор иқтисодиёти шароитида — тараққийнинг Ўзбек модели, банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорликка доир назарий қарашлари, қимматли гоа, фикр ва мулоҳазалари, амалий ёндашувлари жамланган бўлиб, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши, мамлакатимизнинг халқаро иқтисодиёт тизими билан интеграциялашувига боғлиқ кўплаб муҳим ва долзарб масалалар теран таърифлаб берилган.

Китобни мутлола қилар экансиз, иқтисодий мустақилликка эришиш учун халқимиз босиб ўтган машаққатли ва мураккаб тарихий тараққий йўли кўз олдингизда яққол намойён бўлади.

Миллий валютамизнинг муомаласига киритилиши, чет эл сармояларининг мамлакат иқтисодиётига кенг жалб этиши учун

олиб борилган саъй-ҳаракатлар, халқаро иқтисодий ва молия ташкилотлари билан изчил ҳамкорлик, банк, молия ва кредит тизимини жаҳон талаблари даражасига кўтариш, экспортни кенгайтириш, бир суз билан айтганда, иқтисодиётимизда бугунги барқарор ўсишга босқичма-босқич равишда қандай замин яратилгани ушбу китобда ўзининг ҳар томонлама чуқур ифодасини толган.

Ўртбошимизнинг ўн уч жиллик асарлари асосида тайёрланган ушбу мажмуа банк ва молия тизими ходимлари, олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, аспирант ва талабалар ҳамда банк-молия муносабатлари билан шуғулланаётган, шу соҳа бўйича фаолият юритаётган мутахассислар учун доимо иш столи устида турадиган, қўлдан қўймай фойдаланиладиган қимматли манабдир. Шу билан бирга, мазкур китоб нафақат мутахассислар, балки кенг



жамоатчилик учун ҳам муҳим назарий-амалий аҳамиятга эга.

Президент Ислам Каримов 1993 йили Олий Кенгашнинг XIII сессиясида сўзлаган нутқида: «Бозор иқтисодиётига ўтиш биринчи навбатда ҳаётимизда, иқтисодиётимизда барқарорликка эришиш билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳам иқтисодиётни, молиявий аҳволни барқарорлаштириш — иқтисодий ислохотларимизни амалга оширишнинг муҳим шартидир», — деб уқтирган эди. Ушбу китоб шу кутлуғ эзгу мақсад йўлидаги собитқадам интилиши ўзида яққол муҷассам этади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

БЮДЖЕТ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирни қўмита раиси А.Аҳадов бошқарди.

Йиғилишда Молия вазири С.Раҳимовнинг Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги Давлат бюджет лойиҳаси ва 2005 йилда қўтилаётган ижроси тўғрисидаги маърузаси тингланди. Таъкидланганидек, жорий йилда Давлат бюджетининг даромадлари 3353,1 миллиард сўмини, харажатлари эса 3462,1 миллиард сўмини ташкил этиб, Давлат бюджети 109,0 миллиард сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан Олий Мажлис томонидан белгиланган 1,0 фоиз ўрнига 0,7 фоиздан юқори бўлмаган тақчиллик билан ижро этилиши қўтилмоқда.

2006 йилги Давлат бюджет лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган қўшма устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди. Жумладан, кейинги йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 7,2 фоизни ташкил этиши, йиллик инфляция даражасининг 6-8 фоиздан ошмаслиги, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 9,0 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш 5,2 фоизга, капитал қўйилмалар ҳажми эса 7,5 фоизга ўсиши режалаштирилмоқда.

Юқори даражадаги ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий барқарорлиқнинг янада мустаҳкамланиши корхоналар молиявий аҳволининг яхшилланиши, аҳоли даромадларининг реал ҳисобларда ортиши ва ўз навбатида солиқдан тушадиган базанинг ўсишига олиб келади. Бундай натижалар 2006 йилда ҳам режалаштирилаётган харажатларга зиён етказмасдан солиқ ставкаларини камайтириш ва солиқ тўловчилар учун қўшимча молиявий қулайликлар яратиш имконини беради.

2006 йилда Давлат бюджет даромадлари 3 992,2 миллиард, харажатлари 4 263,3 миллиард, бюджет тақчиллиги 271,1 миллиард сўм ёки ялпи

ички маҳсулотга нисбатан 1,5 фоиз миқдорда бўлиши кўзда тутилмоқда.

Давлат бюджети лойиҳасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққийтини белгиладиган соҳаларни, яъни маориф, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва марказлашган инвестицияларга харажатларни молиялаштиришга катта эътибор қаралтирилган.

Лойиҳада бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий тўловлар, стипендиялар ва ҳарбий хизматчиларнинг тўловлари миқдорлари келгуси йилда қўтилаётган йиллик ўртача 6-8 фоиз инфляция даражасига нисбатан анча оширилиши кўзда тутилмоқда. Ижтимоий соҳага, яъни соғлиқни сақлаш, маориф, маданият ва спорт, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун давлат бюджетининг умумий миқдоридан қарийб 51 фоизи йўналтирилади. Бу ўтган йилга нисбатан 1,2 фоиз кўп демакдир.

Мақта таълимини ривожлантириш давлат умумий таълим дастури билан боғлиқ харажатлар миқдори 190,0 миллиард сўмгача оширилиб, келгуси йилда 1 минг 317 та мактабда қурилиш ва қайта тиклаш ишлари олиб борилади.

Марказлашган инвестициялар учун 395,0 миллиард сўм йўналтирилади. Капитал маблағлар биринчи навбатда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва реконструкция қилиш, қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ерлари мелiorацияси, қайта тиклаш ва янги ерларни ўзлаштириш, транспорт инфраструктурасини ва коммуналхизматларни ривожлантириш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий объектлар қурилишига ажратилади.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

XVI саҳоси
Барча жанрлардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Туркменистоннинг Ўзбекистондаги элчихонасида ушбу мамлакат мустақиллигининг 14 йиллиги муносабати билан брифинг бўлиб ўтди.

● «ЭКОСАН» халқаро ташкилотда «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурининг бажарилиши ва «Экология ва саноатлиқ кунлар»нинг учинчи босқич мақсад ва вазифаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

● Тошкентда Ўзбекистон травматолог-ортопедларининг илмий-амалий анжумани ўтказилди. Республикаимизнинг Барча вилоятларидан келган шифокорлар қатнашган ушбу анжуманда тиббийнинг мазкур йўналишида эришилган ютуқ ва мавжуд муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

● Самарқанд шаҳридаги «Ёшлар маркази»да «ОИТС, гиёвандлик, фоҳишабозлик — жарага элтувчи йўл» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида «Гулистон мобайл сервис» маҳаллий фирмаси билан жипс ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган «UNITEL» агентлиги очилди. Дастлабки босқичда ҳар бири мингта абонентга мўлжалланган тўртта базавий станция ўрнатилиб, фаолият кўрсатмоқда.

● «Бунёдкор» ёшлар телеклубида «Камолот» ЁИХнинг олий ўқув юртидаги бошланғич ташкилоти Кенгаши аъзолари учун икки кунлик ўқув-семинари ўтказилди.

Жаҳонда

● Ироқда қучайтирилган хавфсизлик чоралари қўллангани ҳолда мамлакат янги конституциясига ўз бериш бўйича референдум ўтказилди. Ироқ сайлов комиссиясининг маълумотларига кўра референдумда аҳолининг 61 фоизи овоз берган.

● Туркия ва Руминияда парранда гриппи аниқланди. Европа комиссияси экспертларининг маълум қилишига, ҳар иккала мамлакатда аниқланган касаллик энг хавфли H5N1 штаммига мансуб.

● Покистонда жуда қучли zilзиладан сўнг ўтган олтинчи кунни виронлар ичидан 1,5 ёшли қизча топилди. Шифокорларнинг фикрича, унинг соғлиги хавф остида эмас.

● АҚШнинг Шимолий-Шарқий қисмида бир ҳафта давомида тинимсиз ёққан ёмғир оқибатида бешта штатда сув тошқинлари бўй берди, 10 киши ҳаётдан кўз юмди.

● Кабардин-Болқория Республикасининг Налчик шаҳрида амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари қурбонлари хотирасига бағишланган мотам кунни бўлиб ўтди.



Унда шахримиздаги қатор корхона, ташкилот, олий ўқув юрталари, касб-хунар коллежлари, мактаб, боғча, маҳаллалар ахли бажонидил иштирок этиб, ўзлари яшаётган уйлари, таълим олаётган ва меҳнат қилаётган ҳудудлари, теварак-атрофни озода, покиза ҳолга келтирдилар. Кўп қаватли уйлarning ертўла ва йўлак-лари тозаланиб, кўча-кўйлардаги барглар йиғиштирилди. Синган эшик-ромлар тикланиб, ойналар солинди.

— Юртимизда аста-секин киш нафаси сезилиб қолгани, кишли-қировли кунларга ҳозирдан тайёргарлик кўрилиши лозимлигини ҳисобга олиб умумшаҳар ҳашарини ўтказиш режаланди, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими раиси ўринбосари Баҳодир Қосимов. — Икки кун давомида ҳашарда шахримиздаги 474 та маҳалладан 560 минг аҳоли ўз хоҳиши билан, бир ёқадан бош чиқариб иштирок этиб, 180 гектарга яқин ҳудудни шох-шаббадан тозалаб, қуриган дарахтларни кесиб, 60 мингдан ортиқроғига шакл беришди, 400 тоннага яқин чиқиндилар 220 та техника воситалари ёрдамида олиб чиқиб ташланди. Кўп қаватли уйлarning кириш йўлаклари, ертўла-лари тозаланди.

Маълумки, кузги-қишки мавсумнинг ўзига яраша қийинчилиги, тайёргарлиги бор. Токи унга эртароқ киришилмаса, кишининг аёзли кунда панд еб қолиш ҳеч гап эмас. Хусусан шахримиз чиройини янада орттириб, бутун атрофга кўркамлик, чирой, покизалик бағишлаган ушбу ҳашардан ҳам мана шундай эзгу ниятлар кўзланди.

— Сир эмас, бугун шахримизга кириб келган киши беқибёс ўзгартишларни кўриб уни дабдурустан таний олмай қолиши шубҳасиз, — дейди биз билан суҳбатда Шайхонтоҳур туманидаги Ёқуб Зияев номи маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маҳкам Хайдаров. — Охириги йилларда кенг кўламли ободонлаштириш юмушлари, меҳр-саховатга йўрилган ибратли тадбирлар барчани яқдилликка, эзгуликдан четда турмасликка, юртинг, маҳалланг, турар жойингнинг обод ва ораста қилишга, чиройига ҳисса қўшишга чақирмоқда. Хусусан, икки кун бўлиб ўтган ҳашарда маҳалламиздаги 3000 нафар аҳолидан имкони борларнинг барчаси иштирок этди. Ҳудудимиздаги 16 та кўчада кўча бошлиқлари, посбонлар сардори Тохир Тўйчиев бошличилигида 12 нафар посбонларимиз жонбозлигида мўлжалланган ишлар амалга оширилди. Хусусан кўча ва ариқлар тозаланди, дарахтларга шакл берилиб, шох-шаббалар, тўпланган чиқиндилар олиб чиқиб ташланди. Албатта бунда 320, 299-мактаб ўқувчилари, 2 та тижорат дўкони, ошхона, новвойхона каби қатор маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ходимлари ҳам яқиндан ёрдам бердилар. «Кўпдан кўён қочиб кутулмас» деган ибратли халқ мақоли бекорга айтилмаганига мана шундай кунларда яна бир бор ишонч ҳосил қилади киши.

— Ўқувчиларимизнинг ёшлиқдан меҳнаткаш, ўз Ватанини севувчи бўлиб вояга етаётганлари кишини қувонтиради, —

дейди Яқкасарой энгил саноат касб-хунар коллежи директори Норпошша Одилова. — Икки кун давомида ўқувчиларимиз 47 нафар устоз-мураббийлар бошчилигида таълим-тарбия масканимиз ҳудудини, бутун теварак-атрофни тозалаб, тартибга келтирдилар. Қуриган шох-шаббалар бир ерга йиғилиб, кераксиз дарахтлар олиб ташланди. Абдулла Қодирий кўчасидаги кўп қаватли уйлар атрофи супуриб, сидирилиб, ораста ҳолга келтирилди. Эътиборлиси мана шу уйларида яшовчи кекса, ногирон, ёрдамга муҳтож қарияларнинг ҳолидан хабар олиниб, уйлари тозалаб берилди. Кексаларнинг дуолари олинди. Албатта буларнинг барчаси фақат ўзимизга хос бўлган шарқона

мирдан чиқарилди, эътиборлиси кўмакка муҳтож кекса, ногиронларнинг ҳолларидан хабар олинди.

— Ёшим 80 га яқинлашиб қолди, — дейди «Қипчоқ» маҳалласида истиқомат қилувчи Хурсаной ая. — Тақдир тақозоси билан ёлғизман. Маҳалладошларим жуда меҳрибон, яхши одамлар. Доимо моддий ва маънавий кўмак бериб келишади. Аиниқса ҳашар кунлари уйимга одам сиймай кетади. Бир яхшиликларига ўн яхшилик тилаб қоламан.

Шунингдек, Юнусобод туманидаги «Оқибат» маҳалласида ҳам фуқаролар йиғини раиси Марат Камолов ва фаоллар бошчилигида ободонлаштириш, бутун атрофни, кўчаларни шох-шаббалардан тозалаш, дарахтларга шакл бериш юмушлари бажарилди. Ҳашарда шу ҳудудда жойлашган 96-ўрта мактаб ўқувчилари ҳам иштирок этиб, ариқларни тозалаб, кўчалар ва йўллари супуриб-сидириб, ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Чилонзор туманида ҳам шанба, яқинба кунлари кўтаринкилик, яхши кайфият билан шахримиз санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилаш, кузги-қишки мавсумга муносиб тайёргарлик кўриш бўйича ўтказилаётган ҳашарда барча чилонзорликлар бажонидил иштирок эттиди.

Ўқув масканлари талаба-ўқувчилари, корхона, ташкилот ишчилари умумхалқ ишидан четда турилмади. Автобус бекатлари, шохкўчаларни супуриб-сидириб, тартибга келтирилган, ўриндиқларни артиб, тозалаб, тўкилган баргларни бир ерга тўплаётган бир гуруҳ ёшларни суҳбатга тортиди.

— 1-педагогика коллежи талабасиман, — дейди ўзини Шаҳноза Қодирова деб таништирган қиз. — Ўзимиз таълим олаётган масканнинг озода, саранжом-сараншга, ўқув хоналаримизнинг бартариб туришига ҳаракат қиламиз. Бизга коллежимизда худди шундай тайёргарлик беришади. Ҳашар кунлари нафақат ўз худудимиз, балки теварак-атроф, автобус бекатлари, шох кўчаларнинг ҳам озодалигига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Ҳашар— ҳаммага ярашар. Минг-лаб пойтахтликлар иштирокида икки кун давомида бўлиб ўтган умумшаҳар ҳашарида катта-кичик ободончилик юмушлари, киш эшик қоқиб турган вақтда ниҳоятда долзарб бўлган вазифалар озми-кўпми, баҳоли қудрат амалга оширилди. Шаҳримиз чиройи янада юз очди, ҳар ерда сочилиб ётган хазонлар кишлоқ ҳўжалиги учун фойда келтирадиган ҳолга етказилдиган маъназига етказилди, эшик-ромлар таъмирланиб, ертўлалардаги қувурларга бир нигоҳ ташланди, ариқ ва зовурлар тозаланиб, муттасил ёғадиган ёмғирлар сувиға шай ҳолга келтирилди. Бир ёқадан бош чиқариб эзгу ва хайрли ишга бош қўшган ҳамшаҳарларимизнинг дилчида фақат бир ниёт жўш урганга ишончимиз камил. Яъни, Юртбошимиз таъбири билан айтадиган бўлсак: «Биздан келажак авлодларга азиз ва обод Ватан қолсин».


Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: икки кун давомида бўлиб ўтган умумшаҳар ҳашаридан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Ҳашар — элга ярашар

УМУМШАҲАР ҲАШАРИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТДИ

Илгари хабар берганимиздек, 15-16 октябрь кунлари азим пойтахтимизда умумшаҳар ҳашари кўп минг сонли ҳамшаҳарларимизнинг куч-ғайратлари, бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари остида юқори кўтаринкиликда бўлиб ўтди.



тарбиянинг, миллий қадриятларимизнинг ажойиб намунасикидир.


Биз ҳам таъкидлаб ўтишни истардикки, умумшаҳар ҳашарида халқимизга хос бўлган меҳрибонлик, саховатпешалик, олижаноблик каби улуг фазилатлар янада ёрқинроқ акс этди.

— Туманимиз аҳолиси кўп миллатли, тобора чирой очаётган гўшалардан саналади, — дейди бу тўғрида «Маҳалла» жамғармаси Сергели тумани бўлими раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Холхўжа



Умаров. — Шу жиҳатдан олганда туманда бир йил ичида амалга оширилган катта бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларининг самарасидек ўз уйимиз, маҳалламиз, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига масъул эканимизга, ўз мулкимизни ўзимиз асрашимиз лозимлигини тушуниб етишга туртки бўлди десам адашмаган бўламан.

Тумандаги 33 та маҳалланинг ҳар бирида, шунингдек «Ариент—мебель», «Камко» каби қатор қўшма корхоналарда, 284, 301-мактаб ва болчаларда ҳашар давомида турар жойлар, гузарлар, майдон ва хиёбонлар ободонлаштирилиб, кузги-қишки мавсумга хос тайёргарлик юмушлари амалга оширилди. Таъмирталаб бинолар, синган эшик-ромлар таъ-



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

• Бир ҳафтадан кейин Польшада президентлик сайловларининг иккинчи bosқичи бошланади. Биринчи bosқичда бўлиб ўтган сайловларда навбатдаги bosқичга ўтган икки номзод номи аниқ бўлди. Унда «Фуқаро платформаси» партиясидан кўрсатилган номзод Дональд Туск 38,5 фоиз, Варшава шаҳри ҳокими, «Хуқуқ ва ҳақиқат партияси» номзоди Лех Качинский 33,3 фоиз овоз тўплади.

• Австралиянинг «Вумера» ҳарбий полигонидан япон ва француз олимлари товушдан тез учувчи пассажир самолётини синовдан ўтказди. Янги самолёт машур «Конкорд» самолётларидан ҳам тез учади ва Токио — Нью-Йорк ўртасидаги масофани олти соатда босиб ўтади.

• Украина Бош прокурори Святослав Пискун мамлакатнинг sobиқ президенти Леонид Кучма бир қатор юқори мансабдор шахсларга қарши қўзғатилган жиноий ишлар доирасида жавобгарликка тортишиш мумкинлигини маълум қилди. Бош прокуратура «Иш-2003 йилда Леонид Кучма бош прокурор Святослав Пискунни ноқонуний равишда лавозимидан озод этиб, журналист Георгий Гонгадзе ўлимига боғлиқ жиноий ишни тергов қилишга ҳалақат берганлиги учун қўзғатилган»лигини таъкидлади.

• Араб давлатлари лигаси дипломатлари Ироққа йўл олишди. Улар Ироқ жамиятида юз бераётган зиддиятлар ва бўлишларни бартараф этиш ниятида. 22 давлат аъзо бўлган ташкилот вакиллари ҳамма томонларнинг фикрини эшитиб, ҳеч кимга ён босмаган ҳолда муаммони ҳал этмоқчи.

• Ўтган ҳафтада Покистонда кучли zilзила рўй берди. Шу кунгача олинган маълумотларга қўра, табиий офат оқибатида 30 мингга яқин одам ҳалок бўлган. 42 мингдан ортиқроқ аҳоли жароҳатланди. Каширнинг Хиндистон томонидан назорат қилинадиган ҳудудида ҳам 550 га яқин жасад топилди. Зилзила маркази Каширнинг Покистон томонидан назорат қилинадиган ҳудудидаги Музаффаробод шаҳрининг Жанубий Шарқиди Бағш шаҳарчасида эканлиги аниқланди. Покистонга турли мамлакатлардан инсонларварлик ёрдамлари келмоқда.

• «Новости» ахборот агентлиги хабар беришича, Қирғизистон жанубида куйдирги касаллиги авж олди. Жалолобод вилоятининг ўзида шу ташхис билан 9 одам касалхонага ётқизилди. Мамлакатнинг ветеринар хизмати беморларнинг ҳаммаси захарланган мол гўштини истеъмол қилганлиги натижасида касаллик юқтирганлигини қайд этди.

ПОКИСТОНГА ИНСОНПАРВАРЛИК КЎМАГИ

Ёрдам юкларининг биринчи навбати Тошкентдан Ислмободга етказиб берилди.

Кўчи ер силкинишидан кўп жабр чеккан Покистон аҳолисиغا Ўзбекистон ҳукумати томонидан кўрсатилган инсонпарварлик ёрдамнинг биринчи туркуми 12 октябрь куни Ислмободга юборилди. Маълумки, утган шанба куни Жанубий Осиё мамлакатларида руй берган кучли zilзиладан Покистон катта талафот кўрди.

Ўзбекистоннинг инсонпарварлик ёрдами палаткалар, турли дори-дармон, кийим-кечак, озик-овқат ва бошқа энг зарур маҳсулотлардан иборат. Унинг умумий ҳажми эса 40 тоннадан ошадди.

Тошкент аэропортида Покистон Ислам Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Сажад Камран инсонпарварлик юклари ортлган самолёт Ислмободга жўнаб кетиши олдида маҳаллий журналистлар билан мулоқотда бўлди.

— Ўзбекистон ҳукуматининг биринчилардан бўлиб кўрсатаётган ушбу муравватидан бениҳоя мамнунмиз, — деди Покистон элчиси. — Биз Ўзбекистоннинг бу дўстона кўмагини қадрлаймиз.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиокомпаниясининг мазкур инсонпарварлик юклари ортлган самолёти тушга яқин Ислмобод халқаро аэропортига кўнди. У ерда мамлакатимиздан юборилган ёрдам юклари қабул қилиб олинган экан, Покистон ҳукуматининг халқаро алоқалар бўйича департаменти раҳбари ўринбосари



ри Иштиёқ Аҳмад Хон покистонликлар бошдан кечираётган бугунги оғир дамларда кўрсатилган бундай беғараз ва дўстона ёрдам учун Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига миннатдорлик билдирди. «Бу давлатингиз ва дўст ўзбек халқининг бошимизга тушган мусибатга шерик эканлигининг ёркин ифодасидир», — деди у.

— Ҳозирги оғир дамларда zilзиладан жабрланганлар учун энг керакли бўлиб турган маҳсулот ва жиҳозлар ҳукуматингиз томонидан тақдим этилди, — деди Покистон қуролли кучларининг жамоатчилиги билан алоқалар бўйича халқаро хизмати вакили Сараф Роз. — Биз бундан жуда миннатдоримиз. Юртингиздан келган бу қимматли юклар тезкорлик билан Кашмир атрофида жойлашган шаҳар ва қишлоқлардаги эҳтиёжмандларга етказилади.

Кўчи ер силкинишидан жабр чеккан покистонликларга мамлакатимиздан юбориладиган инсонпарварлик ёрдамининг иккинчи туркуми ҳам тез фурсатларда Ислмободга етказиб берилади.

**ШУҲРАТ УМИРОВ,
«Жаҳон» АА мухос мухбири
Тошкент - Ислмобод - Тошкент**

БЕНЗИН ТАҚЧИЛЛИГИ НЕГА РЎЙ БЕРДИ?

Кейинги кунларда Тошкентдаги автомобилларга ёнилги қуйиш шохобчалари ёнида пайдо бўлган машиналар қатори кўпчилики таажжубга солди. Чунки бундай манзарани биз аллақачон унутиб юборган эдик. Мустақилликнинг илк йилларида юзага келган ёнилги тақчиллиги давлатимиз раҳбариятининг сазъ-ҳаракатлари билан тезда бартараф этилган эди. Илгари нефть маҳсулотлари асосан четдан келтирилган. Мана неча йилдирки, ўзимизда қазиб олинган нефть маҳсулотлари қайта ишланиб, халқ ҳўжалиги ва аҳоли истеъмоли учун мунтазам етказиб берилмоқда.

Умуман олганда, бензин, солярка, мазут, керосин сингари нефть маҳсулотлари бугунги кунда иқтисодий раванқ учун сув ва ҳаводек зарур. Шунинг учун ҳам ривожланган Ғарб давлатларининг, тараққиёт йўлидан дадил бораётган Хитой сингари улкан мамлакатларининг бундай маҳсулотларга эҳтиёжи ортиб бормоқда. Натижада жаҳон бозориде нефтининг нархи тобора кўтарилиб борапти. 1 баррель (158,988 дм.куб.) нефтининг баҳоси 60 доллардан ҳам ошганлигидан хабарингиз бор.

Жаҳон бозорларидаги нефть баҳосининг бизга нима дахли бор, деб ўйлаётган бўлсангиз ажаб эмас. Аммо дахли бор экан. Чунки биз глобаллашган, дунёдаги давлатлар миллионлаб кўринмас иллар билан бир-биринга боғланган бир даврда яшаймиз. Қолаверса, атрофимиздаги давлатларда нефть қазиб олиш ва уни қайта ишлаш саноятлари асосан чет эл компаниялари тасарруфиде.

Энди бевосита бу галги бензин тақчиллигига сабаб бўлган воқеалар хусусиде. Шу йилнинг август ойи охирида минтақда энг кўп нефть захираларига эга бўлган Қозғистон уни қазиб олишни 30 фоизга ва экспорт ҳажмини 25 фоизга қисқартирди. Бу ҳам албатта жаҳон бозорларида нефть нархининг ошиши билан узвий боғлиқ эди. Қозғистон энергетика ва минерал ресурслар вазирини Владимир Шольнижнинг эътирофи этишича, таъминотчилар бензинни арзон нархда мамлакат ичкарисиде сотгандан кўра, қимматроқ нархда четга сотишни афзал билишадди. Масалан, Жанубий Қозғистондаги «ПетроКазакстан ойл продэктс» акционерлик жамияти сентябрь ойида Грузия, Латвия, Афғонистон, Қирғизистон ва Тожикистонга 32 миң тоннага яқин ёнилги жўнатган. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун Қозғистон ҳукумати 11 октябрь куни шу йилнинг охиригача бензин ва дизель

ёнилгини мамлакатдан олиб чиқишни таққилб қўйди. Бу эса Жанубий Қозғистон, Тожикистон ва Қирғизистонда жиддий нефть тақчиллигини келтириб чиқарди. Бензин нархи бир АҚШ долларидан ҳам ортиб кетди. Ёнилги қуйиш шохобчаларида қатор навбатлар пайдо бўлди. Матбуот хабарлариға кўра, Чимкентдаги 80 та ёнилги қуйиш шохобчасидан 30 таси ишламай қолган.

Қозғистонда чиқадиган «Экспресс К» газетасининг ёзишича, «КазМунайГаз» компанияси шу йилнинг охирида Лондон биржасидеги иккиламчи бозорда ўзининг 49 фоиз акциясини сотишга қўйиш ниятида. Қозғистон парламенти депутатларининг фикрича, мамлакатдаги мавжуд учта нефтни қайта ишлаш заводининг охиригиса устидан ҳам давлат назорати йўқолиши мумкин. Назорат ва Чимкент нефтни қайта ишлаш заводлари аллақачон хусусийлаштирилган. Хусусий мулк соҳибларининг кўпроқ фойда олиш иштиёқини эса жиловлаш осон эмас. Бензин қаёққа сотилишининг улар учун аҳамияти йўқ, кўпроқ фойда келса бўлди.

Атрофимиздаги давлатларда руй берган нефть тақчиллиги бизга ҳам таъсир қилди. Бундан ташқари, турли хил миш-мишлар истеъмолчиларни ваҳимага солиб қўйди. Илгари ҳар куни 10 литр бензин оладиган одам бугун 30-40 литр олишга интиломда. Натижада сунъий тақчиллик юзага келмоқда. «Ўзнефтьмаҳсулот» компанияси маълумотига кўра, Тошкент шаҳрида бир кеча-кундузда ёнилги қуйиш шохобчалари орқали ўртача 850 тонна бензин сотилар эди. Август ойида 998 тонна, сентябрда 904 тонна, октябрнинг дастлабки 12 куниде 1105 тонна бензин етказиб берилди. Аммо шу ҳам етмайпти.

Яна бир муаммо шуки, бензинни қўшни давлатларга олиб чиқиб кетишга уринишлар ҳам бўлапти. Чунки уни қиммат

нархда сотиб, мўмай пул ишлаб олишга интилувчилар кам эмас. Бундан қутилишнинг бирдан-бир йўли қўшни давлатлар билан нефть маҳсулотлари нархларини аста-секин бараварлаштириш. Минтақда яратилиши мўлжалланган умумий бозор манфаатлари ҳам шуни тақозо қилади.

Ҳўш, биз ўзимизда ишлаб чиқарилган бензин билан ўз истеъмолчиларимизни таъминлай оламизми? Шундай савол билан Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири Равшанбек Маматқодировчи Мамадалиевга мурожаат қилдик.

— Ўзбекистон ўз нефть маҳсулотлари билан ўзини тўла таъминлай олади, — дейди Р. Мамадалиев. — Фарғона ва Бухоро нефтини қайта ишлаш заводлари маҳсулотни пайдар-пай жўнатиб турибди. Шу йилнинг 9 ойи мобайннда республикамизда 1 миллион 22,2 миң тонна бензин ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,3 фоизни ташқил этади. Ҳозирги пайтда «Ўзнефтьмаҳсулот» компанияси томонидан мавжуд ёнилги тақчиллигини бартараф этиш ва аҳолини автобензин билан улуқсиз таъминлаш бўйича барча чоралар қўрилмоқда. Айни пайтда, ёнилги қуйиш шохобчалари орқали бензиннинг сотилиши устидан назорат қўнайтирилди, қанистр ва бошқа идишларда бензин сотиш таққилланди.

Ўзбекистон ҳукумати бугунги кунда нефть қазиб олишни қўнайтириш, янги конларни ўзлаштириш, геология-қидирув ишларини қўнайтириш бўйича кенг миқёсдаги тадбирларни амалга оширмоқда. Россия, Хитой ва яқинда Малайзия давлатларининг нефть ва газ компаниялари билан имзоланган шартномалар худди ана шу мақсадларга хизмат қилади.

**Насриддин
МУҲАММАДИЕВ**

Мулоҳаза, мулоҳаза КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР ЯРАШМАГАН ҚИЛИҚ

Одоб ҳақида кўп ёзилган. Лекин бу ўлмас мавзу хусусиде қанча ёзсанг, қанча мулоҳаза юритсанг камдек қўринади. Биз катталар ҳамиша ёшларга «одобли бўлинг» деган гапни айтаймиз. Оилада фарзанд туғилса ота-она унинг ҳали мурғаклигиданоқ одобли, катталарни ҳурмат қиладиган батартиб инсон бўлиб қамолга етишини ният қиладди ва шу йўлда қўлидан келганча боласига таълим-тарбия беради. Лекин беш қўл баравар эмас. Баъзан эса билиб-билмай одоб доирасидан чиқиб қоладиган ҳоллар ҳам бўлади.

Умуман, ахлоқ-одобнинг қонун-қоидалари кўп. Бу ҳали ҳаётда ҳамма ҳам уни муқаммал бажаради, деб бўлмайди. Бунга эса қўлбал мисоллар келтириш мумкин. Масалан, жамоат жойларида, айниқса, транспортларда эрталаб ишга шошилиб кетаётганингизда ёки кечки пайт ишдан ҳориб-чарчаб уйга қайтаётганингизда ёнингизда турган ёшларнинг (айниқса бу хол ўсимир қизлар орасиде кўп учрайди) бир-бири билан ҳамма эшитадиган даражада шангиллаб гаплашиши ёки бўлар-бўлмагсга бор овоз билан хаҳолаб қулиши ҳам одоб-сизликка қиради.

Тунов кун автобусда бораётиб фавқулодда учрашиб қолган икки дугонанинг қуйидаги гапларининг гувоҳи бўлдик.

— Вой Попу бормисан?
— Вой ўл, қаерларда юрибсан?
— Сўрама, анаву найнов борку, Худойбердичи, вой ўламан ўша менга совчи қўйибди.
— Нима дединг, кўндингми?
— Нима дедсан, ўша турки бузуқ менинг тенгим бўптими? Совчиларни қувгандан баттар қилиб жўнатдик.

Биринчидан, одобли қиз ҳеч қачон жамоат жойида ҳаммага эшиттириб, бунақа сўзларни айтмайди. Бунақа гапларни бошқалардан, ҳатто дугоналаридан ҳам сир сақлайди. Иккинчидан, қисқа савол-жавоб пайтда: «Вой ўл, найнов, турки бузуқ» деган сўзларни ишлатдики, бу ҳам ўтказган тарбиясизликка қиради. Майли, ўша йигитни ёқтирмаслик унинг кўнгил хоҳиши. Лекин бировнинг орқасидан бунақа бемаъни сўзлар айтиб, эшикдан кириб келган совчиларни ҳайдаб юбориш, бу энди бориб турган ахлоқсизликнинг ўзгинаси. Айниқса бу ҳолат қиз бола учун ярашмаган қилиқ.

Кўпинча шошаётганингизда манзилга тез етиш учун метрога чиқасизда, агар бўш бўлса шундоқ эшик олдидаги ўриндиққа ўтирасиз. Кейинги бекатда туппа-тузук қийинган йигитми, қизми /баъзан катталар ҳам/ чиқишадиде, сизга орқа ўгириб елкангиз томонидеги қўл ушлагича тиралиб девордек бўлиб туриб олишадиде. Холбуки, ўтирса ўриндиқда бўш ўрин бор. Ахир, орқамда одам ўтирибди, нега мен унинг елкангиза тиралган даражада орқа ўгириб тураман, дейишмайди. Бунинг устига тинимсиз гапириб, хаҳолаб қулиб асабингизга тегишадиде.

Агар биз ҳам ушбу битикда бироз одоб доирасидан чиққан бўлсак узр. Лекин жамоат транспортларида ҳар кун таққорланадиган бу ёқимсиз ҳолат ҳақида сўз айтишга мажбур бўлдик. Ниятимиз зора бизнинг бу ёзуваримизни ўқиган баъзи ёшлар майлида бир қадар бўлса-да бундан ўзларига тўғри хулоса чиқарсалар дейимиз.

Қодир АХМЕДОВ

АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИМИ?

Кечирасизу, нафақат бола, балки баъзан катталарни ҳам алдаш ҳолатлари учраб турақан. Ким, қачон, қаерда дейсизми? Тошкент Давлат циркида 2 октябрь куни ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган концертда. Келинг, яхшии, унинг тафсилоти билан бир бошдан таништирайлик.

Шу йилнинг 2 октябрь куни циркда мураббийлар кунига бағишланган концерт бўлиб ўтди. Концерт афишасидан элимизнинг бир қатор танилиқ артистлари қатори Шерали Жўраев, Икромжон Бўронов, Даврон Эргашев, Дибрбек Маҳкамолларнинг ҳам исми ва фамилияси ёзилган эди. Шу кунни ўзимиз севган хонандлар борлиги учун атайлаб оиламиз билан циркка бордик. Хар биримиз учун 3 миң сўмдан чипта олиб ичкари кириб, концерт бошланишини интилик билан кутдик. Ниҳоят қундузги цирклар ўчиб, саҳани қезил, яшил рангли цирклар безадди. Афишаде эълон қилинган санъаткорлар белгиланган тартибда бирин-кетин чиқишди. Лекин юқориде номлари келтирилган хонандлардан дарак йўқ эди. Уларнинг чиқишини пойлай-пойлай концерт ниҳоясига етганини ҳам билмай қолдимиз. Мароқли дам олиб, унумли ҳордик чиқараман деб концертга тушган одам борки, ҳамманинг оғида бир гап: нега номдор тўртта хонанда қатнашмади? Ахир уларнинг номи афишаде зикр этилганку? Бу саволга ҳеч биримиз аниқ жавоб ололмадик.

Энди сиз айтинг, бу алдовнинг қайси турига қиради? Наҳот концерт ташқилотчилари бир эмас, балки юзлаб одамларнинг кўзига қараб туриб алдашдан уялишмасе? Яна кимни денг, келажакимиз бўлган ёш авлодга таълим-тарбия бериб, уларга рустўйликни ўргатадиган ўқитувчилар ва устоз-мураббийларни-я. Кўзбўямачилик эви биланда. Ўйлаймизки, мутасадди раҳбарлар томошабинларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлган бу ҳолатнинг тағига етиб, айбдорларга муносиб чора қўрадилар.

Асом ХАЙРУЛЛАЕВ

БИРОВНИНГ ҲАҚКИ...

Қассобхонага гўшт харид қилгани кирдик. Ингичка, қиройли қилиб қовун тилимдек бир текис кесиб қўйилган гўшт бўлақларига қараб ҳавасинг келадди.

— Килоси неча пул? — сўраймиз сотувчидан.
— 2700 сўм. Сон гўшти 3 миң. Лаҳм эса 3200. Қай биридан тортай?
— Битта молнинг гўштини булар?
— Ҳа, битта молни.
— Нега бўлмаса нархи ҳар хол?
— Энди ўзига қарабда отахон. Ҳеч ким лаҳмини сизга 2700 сўмга бермайди.

Савдоллашиб 2 килограмм лаҳм гўшти харид қилдик. Сотувчи маҳсулотни чаққон ўраб, халтага тикди.
— Тарози тўғрими, ишқилиб? — гўштининг чўғи камлигини кўриб сўрадик.
— Бировнинг ҳаққи тешиб чиқадди отахон. Биз тарозидан урмаймиз.

Ташқарига чиқиб атайлаб бошқа тарозиде гўштни қайта тортиб кўрдик. Тарози шайини роппа-роса 1 кило 700 граммни кўрсатди. Устига устак гўшт орасидеги икки бўлак қуруқ сунжа кўзимиз тушиб қолди. Тавба, қассоб бола кўз олдимизда қандай қилиб бу сунжаларни гўшт орасига тикиб юборди экан?
Жаҳл билан қассобхонага кириб гўштни қайтариб бердик-да, сотувчига: «Бировнинг ҳаққи тешиб чиққани шуми?» деган саволини гапни айтдик. Билма-ди. У бундан қандай хулоса чиқарди. «Ишқилиб, айтинг-айтинг ўзига инсоф берсинда».

Ҳожиакбар МАНСУРОВ

Бугунги кунда кундалик ҳаётимизни газета ва журналлар, телевидение ва радиосиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар бир муштарий, ўзи севган нашрни қўлга олиб, бугуннинг муҳим хабарларидан воқиф бўлар экан, аввало қалбига кириб борадиган мавзунини қидиради. Уни топса дили равшан тортади, айна кўнглидаги гапларни тилга кўчирган, барчани ўйлантираётган долзарб муаммони керак пайтда ўхшатиб кўтариб чиққан журналистдан мамнун бўлади. Сирасини айтганда эса газетага нисбатан меҳри ошади.

Келгуси йилда ташкил топганига 40 йил тўлаётган "Оқшом" газеталарининг ҳам ҳамшаҳарларимиз ҳаётида ўзига хос ўрни борки, у биринчидан кундузи энг сўнги янгиликларни ўзига жамлаган ҳолда нашр этилиб, ҳар оқшом хонадонларимизга меҳмон бўладиган ягона газетадир. Ишдан ҳориб келиб ёки кун бўйи турмуш ташвишлари билан толиқиб, кечкурун "Оқшом"ни қўлга олган киши унинг "Оила даврасида", "Кулгихона" саҳифаларини varaқлаб, "Турмуш чорраҳаларида", "Бу ҳаёт бўстонида", "Оз-оз ўзганиб доно бўлур", "Жиноят жазосиз қолмайди", "Бу — қизиқ" ва бошқа кўплаб рукндаги мақолаларни ўқиб бир зум бўлсада ҳордиқ чиқаради, мана шундай яқин ҳамроҳи борлигидан мамнун бўлади.

Мана шу кўплаб хонадонларга энг яқин ҳамроҳ ва дилдош маслаҳатчи "Оқшом" газеталарининг ижодий ходимлари навбатдаги обуна олди учрашуви ва мулоқотни Ҳамза туманида ўтказишди. Учрашув олдида йиғилганларнинг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашар эканмиз, "Оқшом" ҳамзаликларининг ҳам севимли газетаси эканлигига, ундаги материалларнинг газетхонлар қалбидан жой олаётганига амин бўлдики, муштарийлар ана шундай мақолаларни номма-ном айтиб беришди.

Учрашувни олиб борган туман ҳокими Шуҳрат Абдуқодиров гўзал пойтахтимиз ҳаётини қадам-бақадам ёритаётган "Оқшом" газеталарининг турмушмиздаги ўрнини алоҳида таъкидлади. Туманда ҳар бир соҳада олиб берилаётган ислохотлар кўламини оммага етказишда аҳамиятли эканлигини айтиб ўтди.

Учрашувни олиб борган туман ҳокими Шуҳрат Абдуқодиров гўзал пойтахтимиз ҳаётини қадам-бақадам ёритаётган "Оқшом" газеталарининг турмушмиздаги ўрнини алоҳида таъкидлади. Туманда ҳар бир соҳада олиб берилаётган ислохотлар кўламини оммага етказишда аҳамиятли эканлигини айтиб ўтди.

Аввало, таъкидлаш лозимки, Ҳамза тумани шаҳримизнинг энг саноатлашган ҳудудларидан бири саналади. Шу боис ҳам унинг пойтахт иқтисоди ривожига ўзига хос улашти бор, десак янглишмаган бўламиз. Ушбу туманининг умумий майдонини 3366 гектарни ташкил этиб, бугунги кунда уни обод этиш, чиройини ошириш бўйича амалга оширилаётган юмушлар туман кўркамчилигини таъминлашда. Туманда турли миллат вакилларида ташкил топган 206.600 аҳоли истиқомат қилиб, улар 69197 та оилага бирлашган. Тумандаги 53 та маҳалланинг ўз ўрни, ўзгача салоҳияти борки, буни уларни кезсангиз, 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган кекса ёш ҳамзаликлар билан суҳбатлашсангиз бир зумда пайқаб оласиз. Ватан ичра кичик бир Ватан саналмиш маҳаллалардаги ҳамжихатлик, унинг

ободлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлар дилингизни яйратади, маҳалланинг кадрини, мана шу кичик кўрғоннинг қуч-қудратини яна бир бор сезасиз, урф-одатларимиздан, миллий қадриятларимиздан ғурурланасиз. Чунки маҳаллаларда улар янада яққолроқ кўзга ташланади.

Юқорида туманни бежизга саноатлашган ҳудуд дея алоҳида таъриф бермадик. Негаки пойтахтимиздаги жами саноат мажмуасининг 35 фоизга яқини мана шу туманга тўғри келишининг ўзи бунга исботлаб турибди. Шу ўринда туман иқтисодиёти юксалишида ўз салоҳияти билан муносиб ҳисса қўшаётган, ўзларининг рақобатбардош маҳсулотлари билан нафақат пойтахту мамлакатда, балки жаҳонда ҳам танилган "Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамияти ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Бу корхонада тайёрланаётган "хаво лайнер"лари гапимизнинг исботи эмас-ми? Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитларидан келиб чиқиб нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам муносиб ўрин топаётган "Тошкент ёғ-мой комбинати", "Подъёмник" акциядорлик жамиятлари, "Фарм Гласс" қўшма корхонаси ва бошқа кўплаб тадбиркорлик билан иш юритаётган жамоаларни мисол келтириш мумкин. Изланишлари самара бераётган ушбу корхоналарда мустақиллик йилларида ишчи-хизматчиларга яратилаётган меҳнат ва дам олиш шароитлари, замонавий техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш натижалари эришилаётган ютуқларда яққол акс этмоқда.

Ушбу натижаларга рақамлар орқали тўхталадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган ярмида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 123,2 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йил шу даврга нисбатан 110,4 фоизга ортган, шу жумладан 49,8 миллиард сўмлик халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқарилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 123,7 фоизга ошди.

Хорижий давлатлар билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхоналар сони 14 тага ортди. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ярим йилликда 84,3 миллион долларлик маҳсулот хорижий мамлакатларга экспорт қилинди. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг тадбиркорликка қаратилган юксақ эътиборлари самараси ҳам ўз натижасини кўрсатмоқда. Буни туманда тадбиркорлар сафи кенгаётганидан, ушбу тадбиркорлик субъектлари томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлиги ортиб, ялли маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши кўпайганидан ҳам сезиш мумкин. Ўтган ярим йилда 233 та кичик корхона ва 800 нафар яқна тартибдаги тадбиркорнинг фаолият бошлаши 1462 та янги ишчи ўринлари яратилишини таъминлади. Йил охиригача ушбу рақамларнинг янада ортиши кўзда тутилмоқда. Бу эса иқтисодиётимиз асоси ҳисобланган кичик ва хусусий тадбиркорлик ривожидан ҳамда шунинг

баробарида аҳоли фаровонлиги ортисидан далолатдир.

Сиҳат-саломатлик йилида ҳам дастурда кўзда тутилган вазифалар бажарилишига алоҳида аҳамият қаратилиб, туманда яшаётганлар — кексаю ёш, аёлу болалар саломатлиги йўлида ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Бу борада тумандаги поликлиника, шифохоналарни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга, шифокорлар малакасини оширишга қаратилаётган эъти-

қўламдаги бунёдкорлик юмушларини айтиш ўринлидир. Буни эса мустақиллик йилларида қад ростлаган 100 дан зиёд кўп қаватли турар жой бинолари, маҳалла гузарлари, Кичик халқа йўлининг 5 километри, иختисослашган футбол интернати, "Авиасозлар" спорт мажмуаси, теннис корти ва бошқа иншоотлар кўрсатиб турибдики, улардан туман ахли бирдай манфаатдор.

Тумандаги зорлар қўлиси ҳам таниб бўлмас қаражада ўқиб, хари-

иссиқ сув ўлчагичлари ҳам режа асосида ўрнатилмоқда. Шу ўринда аҳоли ишончини қозонаётган "Намунали хизмат", "Меҳри Турон", "Порлоқ келажак", "Валихонова" уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятидаги ибратли ишлар мақтовга сазовор. Ушбу ширкатлардаги мулкдорлар "Уй — ўзимизники, ширкат — бу биз" деган фикрларни тўла англаб етишмоқда.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган ва ёрдамга



бор самарасини бермоқда.

Ёшларни келажакимиз, умид чечакларимиз, дея атар эканмиз, бу борада Президентимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт", деган сўзлари диққат марказимизда туради. Буни дилдан хис этган ҳамзаликлар ёшларнинг билим олишлари, касб-хунар эгаллашлари, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари, соғлом ва баркамол ўсишларида барча шарт-шароитларни яратишда ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Тумандаги 1 та олий ўқув юрти, 4 та коллеж, 1 та академик лицей, 30 та умумтаълим мактаби, 46 та мактабгача таълим муассасасида мустақиллик йилларида ўзига хос ишлар амалга оширилмоқдаки, бу ўғил-қизларнинг, келажак воқисларининг эрталарини яратишда, ҳаёт йўлларида таъмирлаш ишларида муҳим роль ўйнаши, шубҳасиз. Шу ўринда мактабларга қаратилган эътибор хусусида тўхталадиган бўлсак, тумандаги 61-, 77- мактаблар жорий ҳамда 149-мактаб эса капитал таъмирдан чиқарилганини, янги ўқув йилидан ўзгача қиёфада, замонавий жиҳозланган ҳолда ўқувчиларни ўз бағрига олганини таъкидламоқ керак.

Туманнинг чирой очилишида кенг

дор ва сотувчиларга алоҳида қулайликлар вужудга келди. "Авиасозлар" ва "Паркент" бозорлари қайта қурилди, замонавийлаштирилди.

Туманда кўп қаватли турар жой биноларининг ҳолатини яхшилаш, аҳоли учун намунали хизматни ташкил этиш, огирини енгиб қилиш ва шунинг баробарида яшовчиларда мулкдорлик ҳиссини шакллантириш, яъни ўзлари яшаётган уйнинг, унинг ён-атрофини ободонлаштириш, сақлаш, авайлаб-асрашга ҳисса қўшишга ўргатишда ҳам ишлар самараси кўзга ташланмоқда. Президентимизнинг "Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари сони 2,5 бароварга ортиб 85 тани ташкил этди. Уларнинг йўшқинларида таъмирлаш ишлари, ҳовлилардаги батартиблик, болалар спорт ва ўйин майдончаларидаги қулайликлар аҳолини мамнун этмоқда. Бу борада қилинадиган ишлар, белгиланган режалар ҳали кўп. Аввало, 1991 йилгача қурилган турар жой биноларини 2006 йилда капитал таъмирлашни ниҳоясига етказиш кўзда тутилган. Шу билан биргаликда тежамкорликда муҳим ўрин тутган совуқ ва

муҳтож оилаларга моддий ва маънавий кўмак бериш ҳам асосий вазифалар сирасидандир. Шу боис ҳам улар ҳаммаша эътиборда.

Эзгу ишларида ғайрат-шижоатни бўшаштирмаётган Ҳамза тумани ахли, бир сўз билан айтганда, ободликка, фаровонликка, юрт равнақига ҳисса қўшишга дилдан интилишмоқда, мустақилликнинг азиз неъмат эканлигидан ғурурланишмоқда. Ахир яшаётган ҳудуднинг, азиз остонанг кўрки — ўзининг фаҳринг, юз-кўзинг-ку. Буни барча бирдай хис этишига эришмоқ, эртанги истиқболни белгиламоқ — ҳамзаликларнинг асл мақсади эканлигига туманни кезиб гувоҳ бўлдик.

Учрашувда "Оқшом" газеталарининг бош муҳаррири Акмал Ақромов туманнинг алоҳида салоҳияти, пойтахтдаги муносиб ўрни, меҳнаткаш одамлари ҳақида таъкидлаб ўтди. Сўнгра бугунги тадбирнинг асосий мақсади — муштарийларга ҳисобот бериш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш асносида келгуси режаларни белгилаш эканлиги айтилди. Бош муҳаррир газетанинг 40 йиллик ўзига хос аънавалари, газетхон дилига йўл топишда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, жамоа ахлининг изланишлари, пойтахт ҳаётини, мамлакатимизда рўй бераётган

муҳим воқеаларни ёритишдаги тезкорлик, келгуси йилдаги саҳифаларда кўзда тутилаётган янги руқнлар, оммабоп мақолалар хусусида "Оқшом" хонларга гапириб берди. Ҳар галгидек ушбу учрашувда ҳам кўзда тутилган янгилик газетанинг "Шанба оқшомида" иловасининг ташкил этилиши, туманлар ҳаётини янада ёрқинроқ ёритиш ниятида янги йилдан ҳар бир туман ҳаёти газетанинг фаолиятини акс эттиришга бағишланган рангли махсус сони чиқарилиши ҳақида маълумот берилди.

Албатта, газетанинг қизиқарли ва мазмунли чиқишида, газетхон дилидаги гапларни топиб айтишида муштарий фикр-мулоҳазаларининг аҳамияти катта, улар журналистларнинг изланишида, янги-янги мавзулар топишида ёрдам беради. Шу боис ҳам учрашув давомида йиғилганлардан "Сиз "Оқшом"ни ўқийсизми, газета ҳақидаги фикрларингиз?" деган саволимизга жавоблар олиб, уларнинг мулоҳазаларини қозонга туширдик.

● **Гулноза МҶМИНОВА 206-мактаб илмий бўлим мудири:**

— Тўғриси айтганда, бугунги кунда чоп этилаётган газеталар сони кўп бўлсада, шаҳримиз ижтимоий-сиёсий газетаси "Тошкент оқшоми"нинг ўз ўрни, қадри борлигини инкор этмайман. Чунки унга ҳар йили мунтазам обуна бўламиз ва ўқиб борамиз. Аиниқса, кейинги йилларда бериб борилаётган "Зийрак бобо шаҳар кезади" рукни остидаги материаллар дилдаги гапларни айтади, дам олиш саҳифалари ҳам ўқимишли. Келгуси йил учун "Оқшом" газеталарига кўпроқ обуна бўлишга аҳд қилдик. Шу боис ҳам ана шу Зийрак бобо мактабларимизни ҳам кезса, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дилидаги гапларни топиб айтса деган ниятдаммиз. Шунингдек, яна бир таклифим бор. Газета саҳифаларида "Маҳалларимиз номи", "Мактабларимиз номи" деган рукн остида пойтахтимиздаги ҳар бир маҳалла, мактаб номлари ҳақида тушунтиришлар берилса, менимча бу барчамиз учун жуда фойдали бўларди.

● **Раъно МУСАЕВА, туман ўқувчилар ижодиёти маркази ўқув-тарбиявий-ишлар бўйича раҳбар ўринбосари:**

— Ҳар доим бўлмасида, газетани ўқиб тураман. Аиниқса, "Жиноят жазосиз қолмайди" рукни остидаги мақолалар менга ёқади. Ёшларни тарбияладиган, ҳунар эгаллашларига ёрдам берадиган материаллар кўпроқ берилса, бу борада уларни ўзига тортадиган руқнлар очилса, газетхонлар сафи ортисига аминман.

● **Турсуной ШАРИПОВА, Ал Бухорий маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:**

— "Оқшом" газеталари меҳнат фаолиятимда ҳам, дам олишимда ҳам доимий ҳамроҳ бўлаётган нашрлардан, десам асло муболага эмас. Чунки маҳалламиз билан ушбу газетанинг муҳлиси саналамиз. Ҳозирда бош муҳаррирнинг келгуси йилдан туманлар ҳаёти янада кенгроқ ёритилишини, биттадан махсус сон бағишланишини эшитиб хурсанд бўлдим. Албатта, бунда маҳаллалар ҳаётига ҳам кенгроқ ўрин берилди деган умиддаман. Аини пайтда севимли газетамизга обуна бўлиш ҳаракатидаммиз.

● **Қобил МУҲАММАДЖОНОВ, Ҳамза қурилиш коллежи директори:**

— Аввало таклифим, газетани сифатлироқ қозонга чиқариш керак. Негадир таълим соҳасига кам ўрин берилади. Ваҳоланки, мустақиллик йилларида ушбу соҳада улкан ишлар амалга оширилмоқдаки, ёритишга, муштарийларга етказишга арзигулик. Инсон ҳуқуқлари ҳақида ҳам ўзига хос материаллар бериб бориш фойдали. "Оқшом" га жамоамиз ахли билан келаси йилда ҳам ошно бўлиб қолиш ниятидаммиз.

● **Абдулазиз ҚИРҒИЗБОВЕВ, "Бирлашган" маҳалласи оқсоқоли:**

— "Оқшом" эскирмайдиган газеталар сирасига қиради. Яхши, ўқимишли газета эканлигини инкор этмаган ҳолда, маҳаллаларга кенгроқ аҳамият қаратишини хоҳлардим. Ибратли ишларимиз пойтахтга ёйилсин. Шунингдек, "Сўранг, жавоб берамиз" рукнини жонлантириш керак, мутахассис ўз жавобларини тушунарли бериб борса, мухлислар сафи ҳам кенгаярди.

● **Абдулазиз ТУРОНХҶАЕВ, "Меҳри Турон" уй-жой мулкдорлари ширкати раиси:**

— Ширкат ташкил этилгандан буён "Оқшом"га обуна бўламиз. Нафақат ходимларимиз, балки иш билан келган яшовчилар ҳам газета билан танишади. Бир неча марта амалга оширилаётган ишларимиз газета саҳифаларида ёритилиб, яхши ишларга руҳлантирди. Шунингдек, газетанинг ўзига хос томонини ундаги кўш саҳифалар барчанинг эътиборини тортади. Масалан, ўзим "Уй-жой коммунал хизмати: истиқбол ва муаммолар" кўш саҳифасини севиб мутолаа қиламан, ибратли ширкатлар тажрибасидан ўрнак оламан. Ушбу саҳифада мутахассислар ҳам кўпроқ иштирок этишса, йўл-йўриқлар кўрсатишса, барча ширкатлар ундан самарали фойдаланарди.

Яна бир муштарий Дилфуза Садирова эса худди шу саҳифада ёритилган танқидий чиқишлар натижаси ҳақида савол билан муурожаат этди.

Жавоб эса қуйидагича бўлди: — Ҳар бир танқидий чиқиш тегишли мутасадди раҳбарларга маълум қилиниб, бир ой мобайнида улардан жавоб кутилади. Қурилган чора-тадбирлар ҳақидаги жавоблар эса газета саҳифаларида эълон қилинади. Албатта, танқид кўпинча ижобий самарасини бермоқда.

Фикр-мулоҳаза ва таклифларнинг ранг-баранглиги бизни мамнун этди ва ўз мухлисларимиз, доимий газетхонларимиз кўпчилигига улар бизни қўллаб-қувватлашларига амин бўлдик. Чунки бу ерда айтилган битта таклиф, ягона мулоҳаза кўпчиликнинг дилидаги мудоаа бўлиши турган гап. Демак, журналистларимизнинг бу борадаги изланишлари минглаб муштарийларни мамнун этади.

Тадбирни аяқлар экан туман ҳокими Шуҳрат Абдуқодиров иштирокчиларни — "Оқшом"ни қўллаб-қувватлашга ундади ва ижодий ходимларнинг келгуси ишларида муваффақиятлар тилади. Мухтасар этадиган бўлсак, кўнгилдагидек тадбирнинг қутилган натижалари давом этаётган обунада ўз аксини топади. Энг муҳими эса Ҳамза туманида "Оқшом" — бизнинг газетамиз" дегувчиларнинг кўплиги дилимизга қувонч бағишлади.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: бўлиб ўтган тадбир ҳамда туман ҳаётидан лавҳалар акс этган.

Ҳақимжон Солиқов
олган суратлар.

Шарқ дурдоналари



● Бузургмехр айтди:

— Билгинки, ҳақим ўз табиати билан қуйидаги ҳислатларга эга бўлмоғи керак. Биринчи, қўлдан кетиш ва абадий турмаслиги муқаррар бўлган мол билан фахрланмаслик. Иккинчи, бошга келган меҳнатдан қўрқиб изтироб чекмаслик. Учинчи, келажақда унга муассар бўладиган давлат учун шодланмаслик. Тўртинчи, ўзига лойиқ ва муносиб бўлмаган нарсани орзу қилмаслик. Бешинчи, этишолмаслик нарса учун қайғу тортмаслик.

● Уч нарса ўз соҳибига ёмонлик келтиради. Булар қуйидагилардир: Биринчи, мансаб эгалларининг кам ҳаракат ва беҳафсалалиги. Иккинчи, олимларнинг сергазаб бўлиши. Учинчи, хотинларнинг бешарм бўлиши.

● Насихат қабул қилмаган кишига насихат қилмоқ ўз қадрини синдиришдир. Очқўз кишини очқўзликдан қўтариш учун уринмоқ ўз вақтини беҳуда йўқотмоқдир. Жаҳонда таракқий қилмоқни ихтиёр қилган кишилар иши одобага яқин бўлмоқ, ёмонлик қилишдан қочмоқ, яхши дўстларга суянмоқ ва ҳамсуҳбат бўлмоқдир.

● Яхшилик қилишга бўлмаса имкон, ёмонлик қилмагин, қайтар ўзингга. Кўполликни ташлаб, лутфингни қўрсат, Токи чўп тушмагай соғлом кўзингга. Бировнинг йиғбатин қилмагин асло, Ночорлик боқмагай нурли юзингга. Ҳар кимга гушмоқ сўз гапиролмасанг, Захар кўшмай гапир хар бир сўзингга.

● ХИҚМАТ: Ҳақимларнинг ҳиқматларидан келтирилшича, ёлғизликдан кўра қийноқ меҳнат йўқ. Бироқ ёлғизлик ёмон улфатдан яхшироқдир.

Байт: Ёлғизликдан оғир ганж йўқ жаҳонда, Ундан баттар нима? Биласаним ҳеч? Ёмон улфат билан ашамоқ эзур, Бундай кишилардан узок юр кеч!

● Сахий ва олижаноб кишилар билан суҳбатдош бўлмоқ кишини ёқимли феъл ва чиройли хислатларга рағбат қилади. Ёмон феълли ва фасод табиатли кишилар билан бўлган суҳбат эса ёқимсиз сифат ва қабиҳ иллатларга етаклайди. Ёмонлар билан яхшилар орасидаги суҳбат таъсири худди шамол қабиридир. Шамол ёмон жойдан ўтиб қолса, бадбўй ҳидларни бошлаб келади. Агар ширин ҳидли жойлардан ўтса, муаттар исларни келтиради.

Байт: Ҳар кимнинг бор экан танида жони, Ким билан сўзлашса, бўлар таъсири.

Ёмонлик бўлмаса кишининг афъоли, Доим яхши билан хуш суҳбат қураур.

● Оғирчилик ва гамгинликда қурилган оқил суҳбати базм ва ишратда ўтказилган жоҳил суҳбатидан афзалдир.

Суҳбат учун топсанг доно кишини, Ёмонларни яқин йўлатма синҳор.

Дилга ёққан фақир доно суҳбати, Нодон бойдан кўра яхшидир минг бор!

Янги йилнинг қўтулғу нафаси биринчи кунларданок сезила бошланди. 2002 йилни Президентимиз Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилдилар. Зеро, қарияларимиз жамиятимизнинг энг катта бойлиги, халқимизнинг донолиги, олижаноблиги, яхши анъаналари шу қарияларда муҳасаса. Кечаги кунни келажак билан боғлаб турувчи кўприк бўлган бу инсонларга албатта ғамхўрлик лозим. Шундай экан, йилнинг шу ном билан аталиши уларга бўлган ғамхўрликни янада бир поғона юксакликка кўтарилди.

«Оқшом» газеталари ҳам шу йўналишдан келиб чиқиб, ўзига хос режаларни белгилаб олишга табиий эди. Шундай бўлди ҳам. Газетада «Қариси бор унинг париси бор», «Кекса юрак мавжлари», «Эҳтиром», «Нуронийлар эъзозда», «Фахрийлар фахримиз» каби руннар лойда бўлди. Фақат шу билан чегараланиб қолинмади, изланишлар давом этди.

Йилнинг дастлабки ойларида бирида Бош муҳарриримиз хузурда йиғилиш бўлди. Шунда раҳбаримиз:

— Биласизлар, бу йил қарияларни қадрлаш йили. Шунга муносиб бир рунк ўйлаб толасак, у ўзгалардан бутунлай фарқ қилса. Йўналиши ҳам ўзгача — мактов эмас, кўпроқ танқидга мойил бўлса. Масалан, бир қария одам шаҳар кезиб, йўл-йўлакай кўрган-кечирган камчилик ва нуқсонларни ошқора газета орқали баён этса. Хўш, сизлар бу фикрга қандай қарайсизлар? — деган саволни ўртага ташлади.

— Айни муддао бўларди, ахир газетамда танқидий чиқишларнинг бўлиб тургани яхшида, — дедик биз бу янгиликни қўллаб-қувватлаб. Лекин янги рункининг номини топшиш масаласида бироз ўйлиниб қолдик. Узимизча у-бу деб кўрдик. Бироқ, уларнинг биронтаси жамоага ёқмади.

— Борди-ю, янги рунки «Зийрак бобо шаҳар кезади» деб атасакчи? — деб қолди бош муҳарриримиз мушуқулумизни осон қилиб.

Бу топилмани бир овоздан ҳаммамиз маъқулладик.

— Демак, Янги йилдан бошлаб Зийрак бобо шаҳар кезиши керак. Албатта бу вазириани ёши улгурок, паст-баландни тушунадиган ходимлардан бирига юклашимиз керак. Мен бу рункини бошқаришни агар қаршиллик бўлмаса, сизга топширмоқчиман, — деди бош муҳарриримиз менга қариб.

Мен бажонидил розилик билдирдим. Шундай қилиб Зийрак бобо кўйидаги сўзлар билан ўз фаолиятини бошлаб юборди.

«Ассалому алайкум, азизлар, яна сизлар билан дийдорлашув бахтига муассар бўлганимдан бағоят хурсандман. Агар билсангиз, «Оқшом» газетаси дунё юзини кўрибдики, мен сизлар билан гоҳ у, гоҳ бу ном билан ҳамнафас бўлиб келаяман. Дастлаб Саксон ота бўлиб шаҳар кездим. Йўл-йўлакай учраган камчилик, нуқсонларга муросасиз бўлдим. Янгиликлар, иходий ўзгаришлар ҳақида сизларга тўққилганиб ҳикоя қилдим. Кейин баъзилар ҳали ёшисиз, замонасозсиз, шунинг учун номингизни ўзгартиринг, деган тақдирларни айтишди. «Кўпчиликники қўл», деб улар истаги билан Замоний бўлдим. Узоқ йиллар шундай тахаллуслар билан хабарлар ёзиб турдим. Инсон ёши ўтган сари камчиликларни кўрса хуноби ошган, тўсатдан тўтоқиб кетадиган бўлиб қоларкан. Битикларимда шу ҳолат тез-тез содир бўлиб турди. Шундан кейин менга бир овоздан Тоживой тажанг деб ном беришди. На илож, бунисига ҳам кўндим.

Яқинда денг тахриригимизда йиғилиш бўлиб ўтди. Шунда меннинг номимга ҳам яхшигина танқидий фикрлар билдирилди. Тоживой тажанг ишлагай қўйди, деб савалашди. Мен ҳам бўш келмадим. «Тўхтанг, азизлар, дедим, ахир мен анча ёшни қоралаб қолган бўлсам қандай қилиб энди Тоживой тажанг бўлай. Олдин шу ҳақда ўйлаб ёшимга яраша ном топиб беринглар, кейин яна муҳбирлигимни давом эттирай, дедим». Биров у деди, биров бу. Хуллас шу кунги қатъий бир қарорга келиниб номим Зийрак бобо деб аталадиган бўлди».

Мана ҳозир орадан уч йил ўтяптики, Зийрак бобо шаҳар кезади. «Оқшом»нинг ҳар жума сонида ҳафта давомида кўрган-кечирганларини воқеабандлик билан қизиқ-қизиқ тафсилотлар ила муштарийлар эътиборига ҳавола этади. Айтиш мумкинки, бу рунк бугунги кунгача газетанинг етакчи рунларидан бири бўлиб келмоқда. Оқшомхонлардан тахририятга келётган мактубларнинг кўпчилиги Зийрак бобо номига ёзили-

ши ҳам фикримизни исботлаб турибди.

Умуман, шу йили газетамизда бир қатор янгиликлар йили бўлдики, бу ҳақда тўхталмай иложимиз йўқ. Хусусан, шу йили ҳар иккала газетада Бош муҳаррир ўринбосарлари янгиланди. «Тошкент оқшоми»га иктидорли журналист Дилшод Исроилов, «Вечерний ташкент» газетасига эса кўп йиллар ўз сафимизда ишлаган Ольга Ҳарченко ўринбосар этиб тайинланди. Шунингдек, газетамизнинг ҳар бир сонида бир бетлик махсус саҳифа бериладиган бўлди. Унинг жойи иккинчи бет қилиб белгиланди. Шундай саҳифаларнинг биринчиси, «Уй-жой комунал хизмати: истиқбол ва муаммолар» деб аталди. Ундан кейин «Бунёдкор», «Элга хизмат — олий ҳиммат», «Банк ва миждоз», «Ижтимоий ҳимоя», «Ишга марҳамат», «Мулкдор», «Тадбиркор», «Бозор», «Маҳалланг ота-онанг», «Саломатлик», «Маънавият — ақл кўзгуси», «Шахрим — фаҳрим», «Табиат ва инсон», «Қамолот», «Хаёт боғининг гуллари», «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур», «Инсон ва қонун», «Хатлар — ҳаёт ойнаси» каби саҳифалар газетадан бирин-кетин ўрин олди. Шу ўринда улардан бири «Қамолот» саҳифасининг биринчи сони

роҳликда айбламасди. Бугун шундай қилсак, бу ишимиз гуё ноқўрликдек туюлади. Сабаби, бугун инсон нимаки орзу-умидлари бўлса, истаганча уларни рўёбга чиқариши мумкин. Бунинг учун дилида яхшилик, азгулик, интилиш бўлса бас. Мана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, газета «Шахримиз тарихини ўрганамиз» мавзудаги туркум мақолалар беришни давом эттирди.

Бир мисол, агар ҳақиқа кўчадагидан бўлсак, Амир Темур хиббони ёнгинасидан ўрин олган Тошкентнинг минорали соати ҳақидаги тарихий маълумотни ҳамма ҳам бирдек билади, дея олмайдими. Ёки олайлик, Эски шаҳарнинг фахри бўлган, неча йиллар давомида баъзи талофат ва вайронгарчиликларни бошдан кечирган бўлса-да, ҳозиргача ўз қўрқи ва салобатини йўқотмай келётган Кўкалдош мадрасасининг келиб чиқиш тарихи билан ҳамма хабардорми? Йўқ, албатта.

Шахримизда бу каби маданий ёдгорликлар кўп. Уларнинг ҳар бирининг бир достончалик тарихи бор. Йиллар ўтса-да, бу нобб иншоотлар ўзининг бетакрор қурилиши ва жозибали кўриниши билан нафақат ҳамюртларимизнинг, ҳатто хориждан келган меҳмонларни ҳам ўзига чорлаб турибди. Масалан, Самарқанди Регистонсиз, Бухорони Минораи Калонсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, Тошкентни Кўкалдош мадрасасисиз кўз олдимизга келтиришимиз қийин. Орадан 500 йил ўтдики, бу қадимий обида халқимизнинг турмуши ва маданияти ривожига ўзининг салмоқли таъсирини ўтказиб келмоқда. Бугун баралла айтиш мумкинки, XVI аср ўрталарида шаҳар ҳокими Дарвеш Мухаммад Султон томонидан қурдирилган бу мадраса юртимиз Истиқлолга эришгандан сўнг ўз қўрқи ва салобатини бор буй-баста билан кўрсата олди. Бу даргоҳда илм ва маърифат бўлоғи қайта кўз очди. Юқорида биз тилга олган рункини ана шундай фойдали томонларини ўйлаб давом эттиришни жоиз деб топдик.

Ҳар йилдагидек газета Мустақиллигимизнинг 11 йиллигига тайёргарликни эрта бошлади. «Истиқлол — олий неъмат», «Қадрларимиз — эъзозда», «Мустақиллик — менинг тақдиримда» каби рунлар остида газетамда қўллаб мақолалар, публицистика ва лавҳалар эълон қилинди.

Азалдан бизда тўйга тўёна билан боришдек, яхши бир одат бор. Халқимизнинг юз йиллар давомида шаклланган бу ажойиб одати замирида юртни янада обод қилиш, мамлакатнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўлишдек шарафли иш ётади. Шунга кўра Мустақиллик байрами арафасида шахримизда бунёд этилаётган қўллаб иншоотлар фойдаланишга топширилади. Уларнинг айримлари санат корхоналари бўлса, баъзилари маънавиятимизни юксалтиришга хизмат қиладиган иншоотлар, йўллар, кўприқлардир. Хусусан, ўша йили байрам арафасида Фарҳод, Усмон Носир, Гаваҳ, Ҳамза Умаров кўчалари чорраҳасида — Жанубий вокзал рўпарасида улкан кўприк, Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуида бунёд этилган Қатагон қурбонлар хотираси музейи ва бошқа бир қатор қурилиш, иншоотлар фойдаланишга топширилди. «Оқшом» газеталари бу бунёдкорлик ишларининг бориши ҳақида ўз ўқувчиларини мунтазам хабардор этиб турди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб маҳалла тизими ривожига давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилди. Жумладан, Ўртбошимизнинг Фармони билан «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ташкил этилиши маҳалланинг анъанавий тарбия ўчоғи сифатидаги мавқеини янада оширди. Кўп қаватли уйлар жойлашган ҳудудларда янги маҳаллалар тўзилганлиги мамлакатимизда яшовчи бошқа миллат вакиллари орасида ҳам маҳаллага ҳос удувларнинг ёйилишига кенг йўл очиб берди. Маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимидаги энг муҳим тизимла сифатида тугган ўрни ва ролини янада кучайтириш мақсадида Президентимиз таклифи билан келгуси 2003 йил «Обод маҳалла йили», деб эълон қилинди. «Оқшом» газеталарининг диққат-эътибори ҳам ана шу масаллага қаратилди. Газета Қарияларни қадрлаш йили давомида қилнадиган хайрли ишлар сарҳисобини чиқарган ҳолда бу мавзуну янада давом эттириш ва «Обод маҳалла йили»ни ҳам муваффақиятли якунлаш ниётида йил бошидан бу масалани ҳар томонлама кенг қамровли ёритиш режасини белгилаб олди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Ишлар саҳоси
**«ОҚШОМ»НИНГ
ЎТГАН КУНЛАРИ**
ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ ҲИКОЯ

билан сиз муштарийларимизни қисқача таништириб ўтсак, фойдалан холи бўлмас. Зеро, «Гап исботи билан» деган ибора ҳам бежиз айтилмаган. Хусусан, ушбу саҳифанинг «Ёшлар — келажакимиз» рунки остида берилган мақоласида шундай дейилади: «Кейинги пайтларда ёшларни ҳар томонлама билимли, зуқко ва қомил инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида кўпгина самарали ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, пойтахт мактабларининг битирувчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ҳарбий қисмлар фаолияти билан бевосита таништирилиб, билим - кўникмалари бойитилмоқда.

Кўни кеча «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши қошидаги Болалар ташкилоти ва пойтахтнинг «Оқшом» газеталари ҳамкорлигида бу борада яна бир хайрли ишга кўл урилди. Ёшларнинг ўқишдан бўш вақтларини умумли ўтказиш, қизиқаётган касблари бўйича амалий билимлар бериш мақсадида пойтахт умумтаълим мактаблари битирувчиларининг бир гуруҳи — ҳар бир тумандан журналистика, полиграфия соҳасига қизиқиши бўлган ўсмирлар учун «Оқшом» газеталари тахририятига экскурсия уюштирилди. Ёқувчилар тахририятдаги иш жараёни, мақолаларни компьютерларда оққа кўчириш, газеталарни саҳифалаш, ходимлар фаолияти билан бевосита танишишди.

Савол-жавоблар пайтида шахримиз ёшлари ўзларининг нақадар билимга интилувчан эканлигини намойиш эттишди.

Кўриниб турибдики, ушбу лавҳада бир томондан ёшларнинг билимга ва касбга бўлган қизиқишлари баён этилган бўлса, иккинчидан, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг ёшлар ўртасида олиб бораётган хайрли ишлари кўрсатилган. Саҳифанинг қолган мақолаларида ҳам худди шундай «Қамолот» билан ёшлар ҳамроҳ ва ҳамкорлиги, улар ўртасида олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари тўғрисида фикр билдирилган.

Газета ўз саҳифаларини ранг-баранг қилишда давом этди. Изланишлар самараси тўғрисида у ўз сафини ёшлар билан тўлдирди. Худди шу йили «Оқшом» тахририяти аъзолари ёнига эндигина олий ўқув юртлиари оstonасидан учирма бўлган бир гуруҳ ёшлар Орузгул Рустамова, Юлдуз Усмонова, Шахло Хошимова ва иктидорли журналист Гулчехра Дурдиевалар келиб қўшилди.

Табиийки, шу заминда тугилиб ўсган одам биринчи навбатда ўз она юртини яхши билиши, унда содир бўлаётган воқеалардан мунтазам хабардор бўлиб туриши керак. Инсон киндик қони тўқилган шаҳарми, кишлоқми, майлида қаер бўлмасин, уни ипидан игнасигача билимай туриб, ўз юртининг ҳақиқий фарзанди бўла олмайдми. Зеро, бизга бир газетлар тилсим бўлган сир-синоатлар, мўъжизаларни ўрганишга кенг имконият яратилди. Кеча билганам нарсамиз ҳақида елка қиссак ҳеч ким бизни гум-

ТОКИОДА ХУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ НАМОЙИШИ

Мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонасида «Андижон фожеаси» ҳужжатли фильмининг намоиши бўлиб ўтди. Унда Япония ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари, олим ва тадқиқотчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Айни кунларда Тошкентда Андижондаги террорчилик ҳаракатларини амалга оширганликда айбланаётган шахслар устидан бораётган суд жараёни очкилик ва ошқоралик тамойилларига асосланган ҳолда ўтаётгани учрашувда алоҳида таъкидланди. Очқ суд жараёнида эллика яқин хорижлик журналист ҳамда мамлакатимизда аккредитациядан ўтган йигирмадан зиёд дипломатия ваколатхонаси ва хал-

қаро ташкилотлар вакиллари вакиллари иштирок этган бунинг ёрқин далилидир.

Террорчиларнинг ўзлари томонидан суратга олинган мудиш тасвирлар, хуруж иштирокчиларининг кўрсатмалари, таниқли хорижий мутахассислар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ўрин олган «Андижон фожеаси» фильми йиғилганларни бефарқ қолдирмади.

Иштирокчилар мазкур фильм Андижон воқеалари атрофидаги барча шубҳа-гумонларга чек қўйиши ҳамда террорчилик ҳаракатларига ноҳолис баҳо беришга уринаётган айрим кўшларнинг асл мақсадларини фож этишини таъкидладилар.

Жумладан, «Эн-Эйч-Кей» телерадиокомпанияси бош муҳаррири Ш.Ишикава 13 май воқеалари пухта тайёргарлик кўрган террорчилар гуруҳи томонидан амалга оширилгани тўғрисидаги ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, жумладан шундай деди:

— Ўзбекистон ҳукуматининг ушбу фожеа тафсилотларини очик-ойдин муҳокама этишга қаратилган саяё-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ. Фарбдаги айрим давлатларнинг халқаро терроризмга қарши курашга ҳамон икки хил меъёрлар асосида ёндашаётгани эса гоёта афсусланарлидир.

«Жаҳон» АА

НАЖИҚОНЛАР

— Биласанми, хотиним хомиладор бўлган пайтида, латифа айтиб, шунчалар кулдирадими «вой, кўп кулдирманг, типратикан туғаман» дерди.

— Кейин нима бўлди?
— Ҳаммаси яхши бўлди. Айтгандай, билмайсизми, типратикани нима билан боқиш керак?

— Қоровул боққа олма ўғирлаш учун кирган ўсмирни ушлаб олди:

— Олма олишни сентага кўрсатиб қўяман.
— Хайрият-е, уч мартадан буён ушлаб олишади.

— Сержант балиқ овига жўнади. Дарё лабига ўтириволиб, ёнидаги чувалчанларга боқди:

— Қани, ким чўмилмоқчи? Икки қадам олдинга чиқсин!

— Дада, дада мен бугун математикадан 1 баҳо олдим.

— Тирранча! Нега?
— Ҳукуматимиз «икки карра уч неча?» деб сўради. Олти дедим.

— Хўш?
— Кейин «уч карра икки неча бўлади?» деди.

— Ие, ахмоқ экан-ку!
— Мен ҳам шундай дедим-да!

— Габоровлик хотинини врачга олиб келиб, унинг томоқ безларини олиб ташлашни сўради.

— Бу безларни болалик пайтида олдириб ташлаш керак эди, — деди врач операциядан кейин.

— Шунқами? Катта раҳмат. Ундай бўлса ҳисоб-китобини қайтотам қилсин.

— Тузалмас дарға мубтало бўлган габоровлик врачнинг маслаҳати билан дарҳол ўз шаҳрига қайтиб боришга қарор қилди. Ҳамроҳлари унинг оёқда зўрга турса ҳам ҳар бекатда чипта олиш учун тушиб чиқаётганлигини кўришди.

— Нега сиз, биратўла габоровгача чипта олмаясиз?
— деб сўрашди ундан.

— Йўлда ўлиб қолсам нима бўлади? — деди бемор.

— Дада, гиламни қоқа туриб бир мири топиб олдим. Нима қилай?
— Гиламни қоқавер, яна чиқиб қолар.

— Габрово ресторанидан бирининг официанти шеригидан сўради:

— Нега сен хув анув нухани кўчага чиқариб ташламайсан? Қараб турсам, уни тўрт марта уйғотсанг ҳам яна ухлаб қолапти-ку!

— Нега чиқариб ташлар эканман? Ахир у хар сафар уйғотганимда ҳисоб-китоб қилиб, пул тўлапти...

— Қизим, менга ошхонадан 5-6 та чинни ликопча олиб келиб бер.

— Нима қиласиз, ойижон?
— Аданг билан бир-икки-та нарсаларни гаплашиб олишим керак.

— Қамоқхона. Икки жиноятчи суҳбатидан:

— Сени нега қамашди?
— Хайронман, айтарли ёмон иш қилмагандим! Қайнонамни бурнидан қон келди, уни тўхтатаман, деб бўйнига жугут қўйгандим, холос...

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР! ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ХУЗУРИДАГИ «РОУТАХТ АУКСИОН» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ 2005 ЙИЛНИНГ 18,22,25,29 НОЯБРЬ КУНЛАРИ АУКЦИОН САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Савдоларга қуйидаги объектлар қўйилади:

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Нилуфар кўчаси, 28-уйда жойлашган «Найм блокли уу қуриш тажрибави комбинати» (ЭКОБД) ҳисадорлик жамиятининг 1987 йилда қурилган «КПД-5» заводи. Заводнинг жойлашган умумий майдони 157 728 кв.метр, биноларнинг майдони 70 273 кв.метрни ташкил қилади.

Завод сув, иссиқлик, канализация ва электр тармоғи билан таъминланган. **Объектнинг бошланғич нархи 900 087 200 сўм.**

2005 йил 18,21,25,28 октябрь ва 4,8,11,15,18,22,25,29 ноябрь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

С.Раҳимов тумани, Қорасарой кўчаси, 315 «А»-уйда жойлашган «Чуқурсой автокорхонаси» ОАЖнинг 1972й. и/ч, д/р 10АҚ 132 бўлган ЗИЛ-130Э русумли а/в. Бошланғич нархи 2 600 000 сўм; 1989й. и/ч, д/р 10АҚ 145 бўлган ГАЗ-5312 русумли а/в. Бошланғич нархи 2 400 000 сўм.

Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 43-уйда жойлашган «Бобур номидаги маданият ва истироҳат

боғи» ДУКнинг 1988й. и/ч, д/р 10АЖ 392 бўлган Кубан Г/А-02 русумли а/в. Бошланғич нархи 1 057 830 сўм.

— «Тошинвестқурилишбутиш» унитар корхонасининг 1988й. и/ч, д/р 10АИ 382 бўлган КАВЗ-3270 русумли а/в. Бошланғич нархи 1 230 000 сўм; 1982й. и/ч д/р 10АИ 385 бўлган ГАЗ-53А русумли а/в. Бошланғич нархи 874 000 сўм.

— Тошкент шаҳар тиббий меҳнат экспертиза хизматининг 1990й. и/ч, д/р 03-29 ТНГ бўлган, ВАЗ-2121 русумли а/в. Бошланғич нархи 541 000 сўм.

— Ўз.Р. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг 1980й. и/ч, д/р 10 АН 339 бўлган ГАЗ-24 русумли а/в. Бошланғич нархи 500 000 сўм.

— Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли, 243-уйда жойлашган Тошкент вилояти ИИБ Автохўжалигининг 1992й. и/ч, д/р 41-48ТШП бўлган ГАЗ-330700 русумли а/в. Бошланғич нархи 710 870 сўм.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдо-

ридаги закатат пулини «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 0 0 4 2 5 , С Т И Р 2 0 4 3 9 9 9 6 7 , 20210000804243151001 х/рга тўлайдилар. Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 «А»-уйда ўтказилади. Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.

2005 йилнинг 18,21,25,28 октябрь ва 1,4,8,11,15,18,22,25,29 ноябрь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилган қуйидаги автотранспорт воситалари ушбу кунлардаги аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади:

— «Фан ва технологиялар» марказининг д/р 10УЗ 431 бўлган «ОPEL OMEGA 2,6 V6» русумли а/в;

— Ўз.Р. Давлат божхона қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасининг д/р 10АВ 492 бўлган Доған русумли а/в;

— «Davavianazorat»нинг д/р 10АЗ 124 бўлган ГАЗ-310200 русумли а/в.

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар ДИҚҚАТИГА!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

• АТИБ «Ипотека банк» Сергели филиали шуни маълум қиладики, банкнинг жамғарма кассаларида нақд пул қабул қилиш учун ишлатиладиган, серияси ЎзЖСБ, 1540119-рақамли, 430-шакл қимматли бланка йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТУЗАТИШ

2005 йил 13 октябрь кунини № 203 /10.505/-сонли «Тошкент оқшоми» газетасининг «Тижорат хабарлари ва эълонлар» бўлимида эълон қилинган «Очқ тендер ўтказиш» тўғрисидаги эълоннинг 4-банди қуйидагича ўқилсин:

4. Очқ тендерда қатнашишни хоҳловчилар «Тошкент шаҳар Транспортнинг барча турлари фаолиятини мувофиқлаштириш Маркази»га тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳри, Амир Темура 1-тор кўчаси, 6-уй, 612, 619-хоналар манзили бўйича 2005 йил 17 октябрдан бошлаб соат 16.00 гача бюртманомна бериши керак ва тендер ҳужжатлари пакетининг қўйимати ва Тошкент шаҳрида транспорт инфратузилмасининг ягона ахборот-таҳлилий маълумотлар базасини яратиш учун бир марталик бадал қийматини шартнома асосида тўлаши керак. Бюртманомнада Тошкент шаҳрида йўловчилар ташвиш ҳуқуқини берувчи лицензия мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши зарур.

Тошкент шаҳар транспорт барча турлари фаолиятини мувофиқлаштириш маркази

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

газеталари тахририяти
реклама агентларини
ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

Спорт

УМУМЖАМОА ХИСОБИДА — БИРИНЧИ

Шахримиздаги 110-мактаб спорт залда бадминтон бўйича мамлакат очик чемпионати баҳслари бўлиб ўтди.

Хаваскорлар ва профессионал ёшлар иштирок этган чемпионат беллашуварлари пойтахтимиз вакиллари, Андиджон вилояти ҳамда қозғистонлик элликдан ортик спортчилар тўрт кун давомида галаба учун кураш олиб боришди.

Қизғин учрашувлардан сўнг энг кучлилар финалга чиқиб, голибларни аниқлашнинг фурсати етди. Жумладан яққа тартибдаги бахсларда ўсмирлар ўртасида Қозғистон вакили А.Урмоновни 2:0 ҳисобидан енгган ҳамшахримиз Р.Зокиров ҳамда қизлар баҳсида Я.Катеринич устидан 2:1 ҳисобидан устун келган А.Смирнова (Тошкент) ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди. Жуфтлик баҳсларида Зокиров ва Давидов ҳамда Смирнова ва Катеринич кучлилар сафини бошқаришди.

Аралаш жуфтликлар беллашувида Давидов-Каримовани 2:0 ҳисобидан енгган тошкентлик бадминтончилар Зоҳидов ва Смирнова жуфтлиги ҳам олтин нишон билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида тошкентлик бадминтончилар биринчи ўринни эгаллашди.

ДУАТЛОНЧИЛАР БАҲС ЮРИТДИ

Самарқанд шаҳрида дуатлон—югуриш ва велосипед пойғалари спортчлар ҳар хил ёшдаги бўйичар ўртасида Ўзбекистон Кубоги мусобақалари поёнига етди. Унда Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг тўртта вилояти дуатлончилари ўз куч-маҳоратларини намойиш этишди.

Турнирда пойтахт спортчилари энг юқори натижаларни кўрсатганликларини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, ўсмирлар ўртасида Александр Тихонов мамлакат Кубогининг соҳиби бўлган бўлса, 19-23 ёшли эркаклар ўртасида Павел Растрининг галаба қозонди. Унинг жамоадoshi Андрей Никифоровга иккинчи ўрин насиб этди.

23 ва ундан катта ёшдагилар ўртасида яна бир тошкентлик спортчи Николай Ильинга тенг келадиганлар топилмади.

Аёллар баҳсида ҳам пойтахт жамоасидан Екатерина Кандалова энг кучли спортчи эканлигини исботлади. Умумжамоа ҳисобида 588 очко жамғарган ҳамшахарларимиз биринчи бўлишди. Самарқанд ва пойтахт вилояти дуатлончилари кейинги ўринларни эгаллашди.

(Ўз мухбиримиз)

Газетанинг навбатдаги сони 19 октябрда чиқади.

Кейинги йилларда хорихлик футбол мутахассислари юртимизга тез-тез келишиб миллий чемпионатимиз ўйинларини кузатишмоқда. Дарвоқе, хорихлик мутахассислар назарига тушган кўпгина Ўзбекистонлик чарм тўп усталари хоҳирда Россия, Украина, Қозғистон жамоаларида муваффақиятли тўп суришайтгани кувонарли ҳол.

Футбол аниқликлари

КОЗОНЛИК МУРАББИЙЛАР ТОШКЕНТДА

Куни кеча пойтахтимизга Қозғистон «Рубин» жамоаси мураббийлари ташриф буюришди, миллий чемпионатимиздаги айрим учрашувларни кузатишди. Шунинг таъкидлаш лозимки, олинган маълумотларга қараганда қозонлик мураббийларга «Пактакор» жамоаси футболчилари, Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Анвар Солиев ҳамда Сервер Жепаровларнинг хатти-ҳаракатлари маъқул келди чоғи, улар футболчиларимизни Қозғистонга тақлиф этишди. Аҳамиятисини шундаки, «Рубин» жамоаси машғулотларида қатнашишни хоҳлаётган футболчиларимиз синовдан муваффақиятли ўта олишса, «Рубин» таркибига тўп сурадиган легионерларимиз сони учтага етади. Эслатиб ўтамай, моҳир ҳимоячимиз Андрей Фёдоров ҳам бир неча йиллардан бери «Рубин» шарафини ҳимоя қилади.

САФАРАНДАН ҚАЙТИБ КЕЛИШДИ

Халқаро миқёсдаги мусобақаларга жиддий ҳозирлик кўраётган Тоал Колин бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси куни кеча Уммондан қайтиб келди.

Гап шундаки, ушбу мамлакатда ўқув-йўғин машғулотларини ўтказган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси футболчилари иккита назорат учрашувида уммонлик тенгқурлари билан куч синашишди. Дастлабки беллашувида Ҳ.Пирназаров томонидан киритилган ягона гол ўзбекистонликларга кичик ҳисобдаги галабани туҳфа этган бўлса, иккинчи учрашуви ҳам ёшларимиз 2:0 ҳисобида галаба билан яқунлашди. Дарвозага тўпларни К.Мирзаев ва Р.Бердимуродовлар йўллашди. (Ўз мухбиримиз)

Мақдимо

“ҚУЁШГА ИНТИЛИБ”

Сиҳат-саломатлик бугунги кунда энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Тошкент Архитектура-қурилиш институтида бўлиб ўтган тақдирот мажлисида бунга яна бир бор амин бўлдик.

Тақдирот «Қуёшга интилиб» бадий-ҳужжатли фильмининг намойиши билан бошланди. Фильм туғалгач талабалар ва ижодкорлар ўртасида савол-жавоб бўлиб ўтди. «Қуёшга интилиб» фильмининг муаллифи ва режиссери Лола Каримова талабаларга фильмининг яратилишига сабаб бўлган тафсилотлар ҳақида гапириб берди. Фильм профессионал дара-

жада суратга олинган. Яна шунга амин бўлдикки, ушбу бадий-ҳужжатли фильм асосида умумлаштирилган тугал бир яхлит асар пайдо бўлган. Бу санъат оламида янги бир йўналишнинг пайдо бўлаётганидан дарак беради. Фильм тафсилотдан келиб чиққан ҳолда фикрлайдиган бўлсак, ҳозирги кунда учраб турган қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг кўпайиб бо-

раётганлиги, бунинг натижасида тугилаётган ногирон гўдаклар, уларнинг аянчли аҳоли, ёш ота-оналарнинг эса бевақт ажралиб кетишлари, қариндошлар ўртасида совуқчиликлар вужудга келаётгани асарда жуда тўлақонли акс эттирилган. Бу эса муаллифининг ўзига яраша бой дунёқароши, изланувчанлигидан далолат беради.

Фофур ЭШМАНОВ

Мунажжим башорати

САЁХАТЛАР ОМАДЛИ БЎЛАДИ

18 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

Ҳа, мунажжим Лина Саванская гоят жиддий оҳангда бугунги ҳар қандай сафарлар, шу жумладан, хизмат сафарлари, саёхатлар омадли бўлишини таъкидлайди. Ички туйғуларингиз нимага ундаса — шунга амал қилинг.

Ой тақвимининг 16-куни бугун «авровчи илон» куни ҳисобланади. Бугун ҳар бир инсоннинг ички «иломи» ғимирлаб қолади — ҳирсий туйғулари жунбушга келади. Шу кунини туйилган инсонлар умуман илон табиғатида эга бўлишади. Улар руҳияти ўзгарувчан бўлиб, фазовий таъсир уларни эринчок, юмшоқ, таъсирларга берилувчан, алдовларга учадиган қилиб қўяди.

Қан аёллар, расомлар билан янги танишувлар учун қўлай келади. Узоқ давом этадиган ҳар қандай ишни бошлаш мумкин. Кийим-кечақлар, санъат асарлари, гуллар, хонаки ўсимликлар, жониворларни сотиб олиш ҳам жайрили бўлади.

Ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатига қараб, одамларнинг сизга қандай муносабатда эканлигини билиб олишингиз мумкин. Итнинг хуриши, мушунга у ер-бу ерингизни тирнаб олиши — ноҳушликлар ва алдовларга ишора. Қўзғу парчасини топиб олишингиз — чалқаш вазиятлар ечилиши, топилаган тангалар эса — муаммоларингиз барҳам топишини билдиради.

Бу кеча кўриладиган тушлар башоратли ҳисобланади. Уларни эслаб қолиш ва ёзиб олиш керак — бу келажакда ўзингизга қўл келади. Тушда ҳайвонлар ва паррандаларни кўриш, айниқса сувда сузиш жуда яхши бўлади.

Ҳаммом, сауна ва ҳар қандай косметик муолажалар бугун фойдали бўлади.

Оқ, қўқ ва қумлушар либослар бугунги кундаги омадингизга ёрдам беради. Зарғалдоқ ранг, қизил ва қора ранглардан ўзингизни олиб қочинг.

БУГУН ЯХШИСИ:

- сафар ва саёхатларга йўл олиш;
- транспорт ва бошқа муҳим муаммоларини ҳал этиш;
- кийим-кечак, пойабзал, ўғитлар, кир юви. воситалари ва бошқа турли кимимий ашёлар сотиб олиш;
- кишлоқ ҳўжалиги мутахассислари ва экологик ташкилотлар ходимлари билан мулоқотда бўлиш;
- имкон қадар кўпроқ вақтингизни очик ҳавода ўтказиш;
- ҳар қандай вазиятда ҳўшмуомалалик ва самимийликка ҳаракат қилиш;
- одамлар ва нарсарлар ҳақида бир қарашдаги таассуротларингизга ишонини иш кўриш тавсия қилинади.

Санчиладиган ва кесувчи ашёларга эҳтиётсизларча муносабатда бўлиш, гулхан ва бошқа жойдаги оловларни назоратсиз қолдириш, ёнғинга қарши ҳавфсизлик қоидаларини бузишдан эҳтиёт бўлинг.

У Зокир Турсунов хонадонни остонасини ҳатлаб ўтганида тўрт нафар норасида гўдак она меҳридан мосуво бўлган, уларни дунёга келтирган Ханифа, ёруғ дунё билан хайрлашади. Табиатдан дилкаш, самимий аёл уларни оқ ювиб, оқ тарати. Катта ҳаёт йўлларига эсон-омон кузатиб. Набиралар кўриш бахти ҳам насиб этди. Бирок тўрт набиранинг бобосига айланган З.Турсунов ҳали ҳам ичинини тўхтамас, қариб қўйилай демасди.

2005 йилнинг 12 январи. Кечаси билан ноҳўш тушлар кўрган Махбуба эрта саҳарда уйғонди. Ҳарчанд уринмасин килриқларига уйқу илинмади. Тунда қайсидир ичкилик базмидан қайтган эридан келаятган бадбўй худдан қўнғили беҳўзур бўлди. Қўли бормайтига нонушта тайёрлади. Нонуштадан сўнг эрини бозорга қўзатиб кўркан сезингани:

— Бугун набираларни бир олиб келсангиз, соғиндим, — деди.

Балки З.Турсунов қаршисида ийманибгина турган увоқуна аёлининг кўнглидан нелар кечаётганлигини, қандай рўқий буюрлар бош кўтараятганлигини ўша лаҳзаларда ҳаёлига келтира олмагандир. Эҳтимол, ўйлаб кўришни истамагандир?

Орадан ун-тўрт соат вақт ўтди. Эшик очилиб Ривнат, Римма, Рамиль ва Дианалар севимли бувижониси кучюга отилиди-ю унинг кўнглини қора булғудек қоплаб ётган мудҳиш кўлчанка бироз аридан келди. Аммо оёқлари ўзига бўйсунмай, ҳатто, тили калимага келмай қолган эрини кўрди-ю, аламиндан дод деб юборишдан ўзини тийди. — Яна ичдингизми?! Унинг сўроғида алам, нафрат, ачиниш ва яна

аллақандай қалам оҳиз бўлган туйғулар яширин эди.

— Ҳа, бугун уйни сотдим. Сен билан мен яшаётган мана шу уй энди бировники: менга пул керак... тушундингми, пул...

Зокир Турсуновнинг гаплари ҳақиқатдан узоқ эмасди. Ўша кунни бозорга тушиши, набираларини олиб келиш баҳонасида уйдан чиқиб кетган ичкиликбоз эр, фўқаро Рустам Яманова ўзига тегушли бўлган Сергели тумани Спунинг 9-маъсисиди хонадонни ҳўжжатларини расмийлаштирганди. Иши-

на бурчагида турган 1 бензин ёқилгисини хотинининг устига секиб юборди. Фалокат оёқ остида деганларидек, ёқили қолганларнинг электр токига уланган плитага сачраб кетди ва ёнғин чўкиди...

Содир этилган жиноят афсусли мудҳиш тарзда ақун топди. Танасининг 90 фоизи I-II АБ термик куйиши оқибатида шаҳар 1-сонли клиник шифохонасига келтирилган М.Қодировга ялаш насиб этмади. Унинг фебарзандликдан чеккан азоблари етмагандек, қонқўр эрининг бедодлиги туйфали ажал фурсати яқинлашиб қолган экан.

Ўтказилган тергов ҳўсосалари, айбон далиллари З.Турсуновга нисбатан кўзатилган жинсий ишнинг нақадар тўғри эканлигини исботлади. Айбланувчи содир этган жинояти учун Жиноят кодексининг 60-61-моддалари бўйича ўн саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Жазонинг умумий тартибли колонияда ўтилиши белгилаб қўйилди. Содир этилган жиноят жазосиз қолмайд.

Ҳа, дарвоқе, яқинда Япония мактабларининг бирода ўқувчиларининг ичкиликка қарши ёзилган иншолар кўрик-танлови ўтказилди. Унда куйидаги лўнда ишмо муқофотга тавсия этилди: «Ароқни кўп истеъмол қилганларнинг ўзи ўлмоқда. Ўзгаларнинг ўлдирмоқда: лекин унинг ўзим дўконларда ҳўлигача сўрбетларча савлат тўйиб турибди».

Саодат МИРСАГАТОВА,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси.
Хидирали ПАНЖИЕВ,
журналист.

Ҳўқм ўқингиз

ИЧКИЛИК ҚОТЛИККА ЕТАКЛАДИ

Уларнинг ўн йиллик умрлари бир текисда кечгани йўқ. Махбубани марҳума аёлининг хотирасини унута олмай охир-оқибат ичкиликка берилган эрининг аҳоли қазон япроғидек сўлдириб қўяётганди. Баъзи пайтлари ўзи билан ёлғиз ҳолан дамларда ўтган умрини сарҳисоб қилиб кўрадию юраги ачишиб, дарди-дунёсини қоронғи бўлиб кетади. Ҳа, тақдир уни сийламади. Кўз очиб кўрган бахтидан фарзандсизлиги боис айрилди... Гўё тақдир унинг ҳаётига бахиллик қилаётгандай эди.

га анча пишиқ Р.Яманов эса унинг олди-оотди шартномасини Сергели туманидаги 2-сонли нотариал идорара рўйхатда ўтказдириб олганди.

Ақли қомиллар жаҳл келганда инсон вужуди ва руҳининг ҳокими бўлиши — ақл йўқликка юз тутишини таъкидлаганлар. Эр-хотин ўртасидаги уй можароси, номақбул эрининг ўйламай-нетмай босган қадами даҳшанки жанжалга айланди. Жаҳлини жиловлай олмаган З.Турсунов ўртадаги аччиқ-тизиқ гапларни кўтара олмай ошқо-



Муассис:
Тошкент шаҳар ҳўқимлиги

Бош муҳаррир
Акмали АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-37-65,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳўқим — 2 бесма тибқо офсет усунди бонолади.
2496 нускада бонолади. Қўғоз бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жўма кўнлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрият етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почтамати» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоса оқиядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.